

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИ
НАМУНАЛАРИ
АРАБ ТИЛИДА**

Тошкент - 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ АРАБ ТИЛИДА



Тошкент – 2014

وزارة التعليم العالى و المتوسط التخصصى بجمهورية ازبستان

جامعة طشقند، الحكومية للدراسات الشرقية

نماذج الادب الازبكى باللغة العربية

Ўзбек адабиёти намуналари араб тилида, таржималар тўплами. – Т., 2014. – 108 б.

ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий –тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган ушбу таржима тўпламида машҳур ўзбек адибларининг ҳикоялари ва уларнинг таржималари ўрин олган. Таржималарни тайёрлашда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Араб филологияси кафедраси устозлари ҳамда мазкур йўналишда таҳсил олаётган магистр, талабалар, илмий-тадқиқот ишлари ва бадий таржима билан шуғулланиб келаётган мустақил тадқиқотчилар иштирок этдилар. Тўпламдан араб тили дарсларида хрестоматия сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ўзбек адабиёти билан қизиққан араб тилида сўзлашувчи дўстларимиз ҳам эндиликда машҳур ўзбек адибларининг ҳикояларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўладилар.

Тўловчи ва нашрга тайёрловчи:

ю.ф.н., доц. Бузахро Бегматова

Мухаррирлар:

доктор Ҳилол ибн Абдураззоқ

Миср Араб Республикаси, Қоҳира университети ўқитувчиси

Абдулазиз Рустамов

ТошДШИ Араб филологияси кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

доктор Ҳилол ибн Абдураззоқ

Қоҳира университети ўқитувчиси

Орифхўжаев Носирхўжа

ТошДШИ Араб филологияси кафедраси мудири

Тўғривам Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгашининг 2014 йил 29 сентябрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

نماذج الادب الازبكي باللغة العربية، مجموعة التراجم. طشقند. - ٢٠١٤

"مسائل الترجمة النظرية والعملية إلى اللغات الشرقية لنماذج الأدب الأزبكي" توجد حكايات الكتاب الأزبكيين المشهورين وترجمتها في هذه مجموعة الترجمة الامتعدة في إطار مشروع البحث العلمي. اشترك مدرسو كرسي اللغة العربية وآدابها بجامعة طشقند الحكومية للدراسات الشرقية والمجستير والطلاب المتعلمون فيه والباحثون المستقلون المشتغلون بالترجمة الأدبية وشؤون البحث العلمي في استعداد الترجمات. يمكن أن يستخدم المجموعة في دروس اللغة العربية. مع ذلك أصدقائنا المهتمون بالأدب الأزبكي أيضا يستطيعون أن يقرؤو بعد الآن حكايات الكتاب الأزبكيين المشهورين بلغتهم الوطنية.

مركزة ومجهزة إلى النشر:

الأستاذ المساعد بوزهرة بيجماتوفا المرشحة في الحقوق

مراجعة:

دكتور هلال ابن عبد الرزاق

مدرس جامعة القاهرة لجمهورية مصر العربية

عبد العزيز روستاموف

مدرس كرسي اللغة العربية وآدابها بجامعة طشقند الحكومية للدراسات الشرقية

تقريب:

دكتور هلال ابن عبد الرزاق

مدرس جامعة القاهرة لجمهورية مصر العربية

عارفخوجاييف ناصر

مدير كرسي اللغة العربية وآدابها بجامعة طشقند الحكومية للدراسات الشرقية

أوميت المجموعة بالطبع وفقا لقرار المجلس العلمي بجامعة طشقند الحكومية للدراسات الشرقية رقم القرار ٢

تاريخ ٢٠١٤/٩/٢٩ م.

СЎЗ БОШИ

Ҳозирги глобаллашув даврида Ўзбекистон кўплаб Европа ва Осиё мамлакатлари билан турли соҳаларда фаол равишда алоқаларни ривожлантириб бормоқда.

Аждодларимиз қолдирган кўплаб нодир асарларни, замонавий буюк шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларини чет тилларига ўгириб, уларни чет элдаги шеърят ва адабиёт мухлисларига етказиб бериш бугунги кунда долзарб бўлиб турган масалалардан биридир. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг, унинг буюк адиб ва алломаларини адабий ва илмий меросларини турли тилларга ўгириш орқали бой тарихий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, қолаверса мамлакатимизда ижод қилаётган адибларнинг асарлари орқали мамлакатимиз, унинг захматкаш халқи ҳақида ўзга мамлакат вакилларига маълумот бериш имкони туғилди.

Ушбу ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган бу таржима тўпламида машҳур ўзбек адибларининг ҳикоялари ва уларнинг таржималари ўрин олган. Таржималарни тайёрлашда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Араб филологияси кафедраси устозлари ҳамда мазкур йўналишда таҳсил олаётган магистр, талабалар, илмий-тадқиқот ишлари ва бадий таржима билан шуғулланиб келаётган мустақил тадқиқотчилар иштирок этдилар. Тўпладан араб тили дарсларида хрестоматия сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ўзбек адабиёти билан қизиққан араб тилида сўзлашувчи дўстларимиз ҳам эндиликда машҳур ўзбек адибларининг ҳикояларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига эга бўладилар.

*Араб филологияси кафедраси мудири
Н. М. Орифхўжаев*

ФАНОРЧИ ОТА

Тор, кийшик кўчанинг ўксик оқшомини Турсункул аканинг чурук дарвозаси тепасига ўткизилган бир фанорнинг титрок нурларигина ёритар эди. Уни ҳар кун кечқурун паст бўйли, бурушик юзли бир чол келиб, ёқиб кетар эди. Биз уни «Фанорчи ота», дер эдик. У жуда юввош, индамас кишиди, кичкина нарвончасини чакқон кўйиб, аллақандай усталик билан чиқар, қўлтиғидан кир рўмолчасини олиб, авайлаб фанор ойналарини артарди. Фанорни ёққач, ерга тушиб, обкашдек букилган елкасига нарвончасини кўйиб бирпасда кўздан йўқолар эди.

Фанор қурилган вақтларда бутун маҳалла қувониб, унга аллақандай меҳр ила қараган бўлсалар-да, фақат бу меҳр узоққа чўзилмаганди. Кейинча ҳар ким унга парвосиз бўла бошлади.

Айниқса, маҳалла болалари ила фанор орасида англашилмас душманлик уйғонди. Тўпланишиб, аввало бир-биримизнинг дўппимизни отишар, фанорга дўппи кийгизган ўртоқ мерганлиги ила керилар эди. Кейинча бу ҳам бизни зериктира бошлади. Чунки пистон қадалган ёки ҳар турли ипақлар билан безалган дўппини кийиб олиб, фанор чиройли бир тус олар, бизни хафа қилгандек бўлар эди. Шунинг учун қўлимизга тош, кесак олиб, фанорга ҳужум қилишни ўргандик. Бунда у жуда кучсиз эди: кичкина бир кесак ёки тош парчаси бечора фанорнинг ойна кўзларини ўпириб туширарди. Кейин-кейин Фанорчи ота ҳафтада уч-тўрт марта унга «янги кўзойнак» тақиб кетишга мажбур бўларди. У кетди, дарров биз янги «кўз»ини ўйиб олардик. Шундай бўлса-да, Фанорчи ота «Лом» деб оғиз очмасди. Унинг бу қилиги бизга сира ёқмас, тутиб олиш учун пойласа, ҳатто биронтамизни тутиб урса экан, дер эдик. Аммо шу тилаклардан биттаси ҳам юзага чиқмасди.

Бир кун, намозшом вақти, кўчада болалар кўп эди. Ичимизда энг кўп қўркмайдиган, энг баттол Қосим чўлоқ:

«Болалар!» – деди. Чангга ботган юзларимиз янги бир нарса кутиб, унинг кўзларига тикилдик.

– Фанорчи ота келадиган вақт яқин. Синдирамиз. Нима қилар экан? – деди-да, қўлга илинадиган бир нарса қидира бошлади.

Қўлларимиздан гизиллаб учган тош-кесаклар фанорнинг ҳамма кўзларини тешиб ўтган эди. Узоқдан Фанорчи отанинг букил-

ган кичкина қомати яқинлаша бошлади. Нарвонча елкадан тушиб, таъзим ила деворга суянди. Фанорчи ота унинг устига чиқди-да, «чирт» этиб, гугуртни ёқди: фанор тўрт тарафдан қулаган уй каби ажава тусда, яна бир томонга қийшайиб турар эди. Биз ҳаммамиз керилиб турар эдик. Баъзилар «пиқ-пиқ» кулишди. Чол касал одамга ўхшаб, секин-секин пастга тушди. Ўсиқ қошлари тағида қисилиб ётган кўзлари ила ҳаммамизга ялингансимон қаради-да, майин бир товуш билан:

– Тентак болаларим, бу қандай гап? Фанорга тегмасанглар, бир нарсга бўладими? У юқорида, сизлар пастда ўйнай беринглар-да.

Болалар жим бўлган эди.

– Сизлар ҳали ёш, кўзларингиз ўткир. Қоронғи ҳам, ёруғ ҳам барабар. Хуфтон бўлмасдан оналарингизнинг кучоғида пиш-пиш ухлаб қоласиз ҳаммангиз. Бизга ўхшаш қари-қартанглар учун чирроғ жудаям керак, – деди.

Болаларнинг кўзи чолда эди.

– Тунов кунни кечаси қаттиқ ёмғир ёғиб турган эди. Бу ёққа келсам, кўча қоп-қоронғу. Фанорнинг тешик ойнасидан шамол кириб ўчириб қўйган. Ана у ариқнинг бўйига борганимда бир нима сувни шапиллатарди. Ёпирай, нима экан, деб фанорчамни ариққа тутсам, мендан ҳам қари бир киши ариқдан чиқолмай ётган экан. Дарров қўлидан тортдим, бир амаллаб четга чиқардим, ҳамма ёғи лой, жиқ-жиқ сув.

Болалардан бири:

– Вой, бояқиш, соқолиям, юзиям лойми?

– Ҳамма ёғи лой бўлган... Кейин етаклаб уйига элтиб қўйдим, – деди чол.

Менинг кўзимга Фанорчи отанинг дегани шундай кўриниб келганди. Қосим чўлок:

– Ёлғон-ёлғон! – деб бақирди. Болалар бирдан:

– Рост! – деб жавоб қайтаришди.

– Ким энди синдирса, шуни тутиб берамиз отамга, – деди Аҳмад. Фанорчи ота:

– Ҳа, баракалла, энди синдирмайсизларми? – деди.

– Йўқ-йўқ, – жавоб бердик биз шу замон. Кичкина нарвонини яна елкасига илиб, чол қоронғиликка кириб йўқолди.

Шундан бери, ҳақиқатан, фанорга ҳеч шикаст тегмади. Ҳозир шу фанорнинг ўрнида сим тўр билан ўралган тухумдан каттарок

электр лампочкаси ўниб туради. Унинг учун на ёқувчи, на гугурт, на мой керак. Ҳеч бир бола тегажонлик қилиб тош ҳам отмайди. Унинг ўруғида юрганда ёшлигимнинг бир парчасини ва Фанорчи отанигина хотирлайман.

العم "مضيء الفانوس"

كانت أنوار الفانوس المهترئة والمعلقة فوق باب أفندي "طرسن قول" تير شارعنا المنحني الضيق ليلا و كان يضيء هذا الفانوس كل يوم عجوز قصير القامة، متجعده الوجه و كنا نسميه العم "مضيء الفانوس". كان رجلا لين القلب و قليل الكلام و كان يصعد على سلمه الصغير ببراعة غريبة و يأخذ من تحت ابطه منديله الوسخ و ينظف به زجاجة الفانوس و بعدما يضيء الفانوس، يتزل و يحمل سلمه على منكبه المنحني الذي ينسبه قضييب السقا الذي يحمل الماء و يختفي عن الأنظار.

عندما وُضع هذا الفانوس كان الكل مسرورا في الحي و لكن بعد فترة أصبحوا لا يتسهون اليه. و بعد مدة، ظهرت العداوة بين أولاد الحي و الفانوس. كنا نجتمع و نرمي قبعتنا تجاه الفانوس و من يستطع أن يلبس قبعته الفانوس، يصبح فائزا. و لكن بعد حين من الزمان مللنا من هذا الأمر، لأن الفانوس الذي لبس القبعة المزينة بالحرير، كان يلمع و يبدو جميلا و هذا كان يحزُننا فبدأنا نرجم الفانوس. الفانوس ضعيف و نحن جبارون. الحجر الصغير يكسر زجاجة الفانوس و عملنا هذا يجعل العم "مضيء الفانوس" يضع الزجاجة الجديدة له كل ثلاثة أو أربعة أسابيع و لكن بعدما يمشي هذا العم، نكسره مرة ثانية. رغم ذلك، هذا العم لم يكن يقول لنا شيئا و عمله هذا كان يفضينا و أننا كنا نعتقد إذا وقعنا بيده، فسوف يضربنا و لكن لم يحدث كذلك.

يوما ما في وقت الظهر كان في الشارع كثير من الأولاد. بيننا ولد اسمه "قاسم الأمرج" لا يخشى شيء. صرخ "يا أولاد". نظرنا إليه منتبهين و غبار الشارع تعلو رؤوسنا من كثرة اللعب. "اقترب الوقت الذي يأتي فيه العم "مضيء الفانوس". دعونا نكسر الفانوس و لننتع ماذا يحدث" و بدأ يحدث عن شيء يكسر به الفانوس.

طارت الأحجار من أيدينا و كسر الفانوس. اقترب العم "مضيء الفانوس" بغامته الصغيرة من بعيد. أنزل السلم من فوق منكبه و أسنده على الحائط و صعد عليه و أضاء الكريبت: الفانوس مثل البيت المدمر و مائلا إلى طرف آخر و كنا نتشاهد العجوز دون أكثرات. بعض الأولاد ضحكوا. العجوز نزل مثل رجل مريض و نظر إلينا بعينيه المبهتتين تحت حاجبيه المقوس و قال بصوت منخفض:

ما هذا يا أولادي؟ لماذا تكسرون الفانوس. أليس من الممكن أن تلعبوا بعيدا عنه.
الأولاد صامتون.

قال "أنتم صغار السن، عيونكم قوية و بصركم حاد. لا فرق عندكم بين الظلام و النور.
تمامون عند أمهاتكم قبل صلاة العشاء. أما نحن الشيوخ فنحتاج إلى النور جدا".

أمعنتُ عيون الأولاد إلى العجوز الذي استمر يحكي و يقول:

"قبل البارحة كانت السماء تمطر بغزارة. عندما أتيتُ، وجدتُ هذا المكان مظلمًا. دخل
الريح من فتحات الفانوس و أطفاله و حين اقتربتُ من الجدول الغريب سمعتُ صوتا فتعجبتُ و
كان صوت لشيخ أعجز مني قد وقع في الجدول و لا يستطيع الخروج فساعدته على الخروج و
خرج مغطي بالماء و الطين.

سأل أحد من الأولاد:

"هل كانتُ لحيته و وجهه يكسوها طين؟"

قال العم "كل بدنه كان مكسوا بالطين و ساعدته علي الوصول إلى بيته"

تجسد هذا المنظر أمام عيني. قال "قاسم الأعرج": أنت تكذب" و أحاب الأولاد "صحيح" و
قال أحمد "من يكسر الفانوس مرة أخرى، تمسكه و نعطي لعننا.

قال مضيء الفانوس: "بارك الله فيكم، إذن لن تكسروه؟"

و نحن أجبنا: "لا لا"

أخذ العجوز السلم و خفي عن الأنظار.

بعد هذا، لم يكسره أحد و الآن بضياء شارعنا مصباح كهربائي لا يحتاج إلى من يضئهُ أو
ينيره بالكبريت و الزيت. لا يرمي أحد الحجر و كلما أمر بهذا المكان أتذكر طفولتي و العم
"مضيء الفانوس".

ترجمها: لاشينيك عبد الكريموف

*Араб филологияси кафедраси магистри
Лочинбек Абдукаримов таржимаси*

ИЛИНЖ

Менинг икки опам уруш даврида Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган эрларига садоқат сақлаб, бошқа турмуш қуришмади. Бири икки ўгилни, бири уч фарзандни отасиз ўстириб одам қилишди. Бундай оналар ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда бор. Мен шу ҳикоя орқали уларнинг ҳаммасига чексиз эҳтиромимни изҳор қилмоқчиман.

Муаллиф

Кечаси соат иккиларда дарвоза тақиллади. Айвонда ётган Алишер қаттиқ ухлаб қолган экан, тезда уйгонмади. Дарвоза қаттиқроқ тақиллагандан кейин ички уйнинг эшиги ғийқиллаб очилди-ю, Иқбол опа айвонга чиқди. Алишер энди уйғонди ва сапчиб ўрнидан турди. У қоронғида апил-тапил кийинар экан, дарвоза томонга:

– Ҳозир! - деб қўйди.

Иқбол опа ички бир титроқни босишга тиришиб:

– Тезроқ қара-чи, даданг эмасмикан? – деди. Алишер уйқули товуш билан қайтариб сўради:

– Ким дейсиз?

– Даданг!

Алишер таажжуб билан:

– Қизиксиз-а, ойи! – деди-да, айвондан тез тушиб, дарвозахонага қараб кетди.

Алишернинг дадаси Умаржон ака урушда бедарак йўқолиб кетганига ўттиз йилдан ошиб боряпти.

Иқбол опанинг энг қўрққан нарсаси – «қорахат». Бедарак йўқолиш, ҳар қалай, ундан берирокдай туюлади. У эрининг тўсатдан кириб келиб қолишини кутади, кечалари дарвоза тақиллаб қолса, юраги ҳаприқиб, болаларга «даданглар эмасмикан?» дейишини қўймайди.

Алишер ҳам кичиклигида ойисига ўхшаб, доим дадасининг йўлига кўз тикиб юрар эди. Лекин ёши улғайгандан кейин отасининг тирик қолганига шубҳа қила бошлади. Агар у тирик бўлса, ўттиз йилдан бери суюкли хотинини, гулдай фарзандларини қидириб топиб келмасмиди?! Ёки дунёнинг нариги четида бўлса ҳам биронта дарак, бирон энлик хат юбормасмиди?!

– Бу урушда нималар бўлмаган! – дерди Иқбол опа ўғлига. – Даданглар ярадор пайтида асир тушган бўлса, чет мамлакатларга олиб кетиб қолишганми? Бошига бирон кўргилик тушган бўлса, «болаларим иснодга қолмасин», деб атайдан жим юрганмикин? Бирор кун ўзини оқлайдиган яхши иш қилса, йўли очилиб, келиб қолармикин?

Бу тахминлар Алишерда мураккаб, чигал ўй-хаёллар уйғотар эди. Алишер бу чигалликлардан безганда дадасининг жанг майдонидида ҳалок бўлганини исботлашга интиларди. У Москвада бедарак йўқолган жангчиларни қидириш билан шуғулланадиган махсус идора борлигини эшитиб, ўша ерга бир неча марта хат ёзди. Отасининг сўнгги суратлари, хатлари, адресларидан нусхалар кўчиртириб юборди. Кидирув гоҳ юришиб, гоҳ тўхтаб, бир неча йилга чўзилди. Ниҳоят, бултур кузда Москвадан келган жавобда Умаржон Раҳимов хизмат қилган ўқчи ротанинг кўпчилик жангчилари Ғарбий Украинанинг Тернополь шаҳри учун олиб борилган оғир жангларда ҳалок бўлганлиги айтилган эди. Умаржон Раҳимов ҳам шулар қаторида ҳалок бўлгани тахмин этилган, лекин бунинг аниқ ҳужжатлари топилмаган эди. Чунки Тернополь бир марта озод қилингандан кейин яширин босмачи – бендерачиларнинг хиёнати туфайли шаҳар яна вақтинча душман қўлига ўтган, ўшанда жуда кўп ҳужжатлар нест-нобуд бўлиб кетган эди.

Ҳужжатлар бўлмаса, балки тирик одамлар бордир? Алишер энди шу савол билан Тернополь шаҳар идораларига, ҳатто ёшлар ташкилотларига – ёш изтопарларнинг отрядларига хатлар ёзди. Натижа чиқмади. Келган жавобларнинг бирида бу чигал муаммони хат орқали ҳал қилиш қийинлиги, бедарак йўқолган жангчиларнинг белгиларини яхши биладиган одам ўзи келса бирон дарганини топиши мумкинлиги айтилган эди.

Ким боради? Иқбол опа ўттиз йил фабрикада ишлаб, яқинда пенсияга чиққан. Лекин унинг соғлиги ёмон. Қанд касали дармонини кетказиб қўйган. Қон босими ошиб кетган. Шу аҳволда борса-ю, тўсатдан эрининг қабрини топса, сўнгги илинжидан ҳам айрилиб, адоий тамом бўлмайдами?

– Мен ўзим бораман, – деди Алишер. Бунга опаси Маҳфуза кўнмади:

– Сен дадамни эслолмайсан. Чақалоқ эдинг. Одамлар бирон белгисини сўраса нима дейсан! Мен дадамни кўрганман. Мен бора қолай...

Маҳфуза жўнаб кетганига, мана, саккиз кун бўлди. Шунинг учун дарвоза тақиллаганда Алишернинг хаёли дарров опасига кетди.

Дарвозахона йўлагини оқиш «Запорожетс» банд қилиб турар эди. Алишер машинанинг чап ёнига ўтиб, қоронғида электр чирокнинг тугмасини пайпаслаб топди. Йўлақда чироқ ёнгандан кейин ташқаридан кекса бир одамнинг:

– Телеграмма! – деган хирқироқ товуши эшитилди.

Алишер дарвозанинг бир табақасини очди-да, чироқ ёруғида телеграмманинг квитанциясига қўл қўйиб берди.

Бу орада Иқбол опа ҳам рўмолини бошига солиб, айвондан дарвозахона олдига тушиб келди.

Алишер қатлаб бекитилган телеграммани чироқ ёруғига солиб, сабрсизланиб очди.

«Қидирганим топилди. Киевдан кечки рейс билан учаман. Тошкент вақти билан соат учда кутиб ол. Маҳфуза».

«Топилди» деган сўз Алишерни энтиктириб юборди. У ойнасига томон ўгирилиб, кўзлари ялтираб:

– Опам!.. – деди.

– Нима депти? Дадангни дарагини топибдими?

– Топганга ўхшайди!

– Вой худоим-ей! Қаерда юрган эканлар? Нега шу вақтгача келмас эканлар?!

Иқбол опа эрининг тирик топилганига ишониб гапирмоқда эди. Алишер бунга сезиб бирдан хавотирланди. Балки Маҳфуза оталарининг... қабрини топгандир. Опа-ука сўнгга пайтда оталарининг ҳалок бўлганига шубҳа қилмай қўйишган эди-ку. Ахир тирик одам шунча йилдан бери Тернополда жим ўтирармиди? Лекин ойнаси бунга ўйламади. Агар у «тирик топилибди» деб астойдил ишониб қолса-ю, кейин бунинг акси бўлиб чиқса, касали баттар огирлашади.

– Ойижон, сиз дарров ишонаверманг!

– Ҳа, нега энди?

– Сал ўйлаб кўринг ахир... Опам келсин, аниғини айтади.

– Қачон келаркан?

– Тунги учда. Ҳозир неча бўлдийкин?.. О, қирқ минут қолип-ти!.. Мен тезроқ чиқишим керак!

Алишернинг ёшгина хотини ҳам уйғонди ва шоша-пиша кийинди. «Запорожетс» вағиллаб, дарвозахонадан кўчага орқаси

билан юриб чиқди. Иқбол опа ўгли билан келинини аэропортга кузатди-ю, айвонга қайтиб келди.

Бир-биридан кичик уч бола айвонда пишиллаб ухлаб ётибди. Осмонда кемтик ой сузиб юрибди.

Иқбол опа ўзи турадиган ичкари уйга кирди-ю, тўрдаги эски сандиқнинг олдига борди. Сандиқнинг устида қатланиб турган бахмал кўрпаларни пастга олиб қўйди. Сўнг тоқчадаги михга осиғлиқ калитни олиб, сандиқнинг қулфига солди.

Сандиқ майин оҳанг чиқариб, жиринглаб очилди-да, унинг ичидан қалампирмунчоқнинг ҳиди келди. Умаржон ака қалампирмунчоқни яхши кўрарди. Баъзида унинг бир-икки донасини оғзига солиб, тишларининг орасида айлантриб юрар, гапирганда нафасидан ҳам қалампирмунчоқнинг ҳиди келарди. Шу эсида турган Иқбол опа унинг кийимларини, хатларини қалампирмунчоқ билан бирга сақлар эди.

Мана, Умаржон ака бундан ўттиз йил олдин кийган сариқ жужунча кител-шим, ёқаси билан енгига ироқи кашта тикилган кўйлак, хром этик... Умаржон ака фронтдан ёзган хатларида: «Икки ёш болани боқиш сенга осон эмас, уйдаги буюмларни аяма, керак бўлса, менинг кийимларимни ҳам сотиб, егулик ол, омон бўлсак нарса топилади, ўзингни, болаларни эҳтиёт қил!» деб тайинлар эди. Иқбол опа ўзининг сепларини, тақинчоқларини сотганда ҳам, эрининг ҳамма кийимларини асраб юрар, ҳар йили бир-икки мартадан шамоллатиб, яна тахлаб кўярди. Алишер бўй етиб катта йигит бўлгунича жужунча кителлар, ёқаси кашталиқ кўйлақлар моладан қолди. Ҳозир меъмор бўлиб, лойиҳалар чизиб юрадиган Алишер отасининг хром этигини ҳам киймади. Тавба, ҳозирги зиёлилар нега этик кийинмайди? Умаржон ака ҳам ўқитувчи эди-ку. Мактабда ботаниқдан дарс берар эди, лекин этик кийиб юрар эди.

Майли, сандиқдаги кийимлар расмдан чиққан бўлса ҳам, агар Умаржон ака келса, Иқбол опа буларни эрига албатта кийдиради. Сандиқда чиройли бир най ҳам турибди. Қашқар ғаровидан ишланган бу найнинг нафис кумуш ҳалқалари ўзига ниҳоятда ярашган. Найнинг бир учидаги кумуш куббачаси майда кўкиш феруза билан безатилган.

Умаржон ака шу найда баъзан «Наво» ни, баъзан «Дугоҳ» ни, баъзан Иқбол опа отини билмайдиган ғалати куйларни чаларди. Шунда бутун борлиқ завққа тўлиб, эриб кетгандай бўларди. Ҳозир

ҳам гўё най бирдан тилга кирди-ю, уни чалаётган эри Иқбол опанинг кўзи олдида гавдаланди. Умаржон ака найнинг тешигига лабини тўгрилаб, огзини хиёл очиб, куй чалганда унинг оппоқ тишларида аксланган нурнинг шуъласи кумуш ҳалқачаларда билинар-билимас жилваланади. Ҳозир мана шу жило найда яна кўриниб кетгандай бўлди. Умаржон ака найда чалган куйлар энди гўё Иқбол опанинг қалбидан эшитила бошлади. Унинг кўнглида ҳам мана шу най пардаларига ўхшаш нафис, гўзал торлар бор эди-ю, буни фақат Умаржон ака чала оларди.

Эри урушга кетгандан бери Иқбол опа бу найни ҳеч кимга берган эмас. Най ўттиз икки йилдан бери сукут сақлайди. Иқбол опанинг қалбидаги муҳаббат туйғуси ҳам ҳамон Умаржон акага мунтазир...

Умаржон ака шу кийимларини кийиб, най чалиб юрган пайтларида йигирма уч яшар йигит эди. Иқбол опа эса энди йигирмага кирган келинчак эди.

Ўша масъуд дамлари мана шу кийимларнинг қатида, қалампирмунчоқнинг ҳидига қўшилиб, найнинг сиртида жилваланган шуълаларга айланиб, ҳамон тирик турибди. Рост, Иқбол опа ҳозир пенсияга чиққан, невара кўрган кайвони. Лекин унинг қалбида ўттиз икки йиллик ҳижроннинг ҳаққи турибди, шунча йилларнинг сарфланмаган нафис туйғулари қатланиб ётибди. У бир лаҳзага бўлса ҳам яна йигирма ёшга қайтишни хоҳлайди, суюкли эри билан бирга ўттиз-қирқлардан такрор ўтишни истайди.

Фақат бу истакнинг амалга ошиши учун Умаржон ака қайтиб келиши керак. Зора ҳозир болалари билан бошлашиб кириб келса!

Маҳфуза телеграммада «топдим» депди-ку. Дадасини топмас шундай дермиди?

Иқбол опанинг қалбида шунча йилдан бери яшаб келган илинж ишончга айланди. У электр дазмолни қўйди. Сўнг Умаржон ака келса киядиган нарсаларни сандиқдан олиб, дазмоллай бошлади...

* * *

Саҳар паллада кўчада «Запорожетс» нинг мотори вағиллагани эшитилди. Иқбол опа шоша-пиша ҳовлига чиққан эди, дарвозадан Маҳфуза кириб келди. Она-бола кучоқлашиб кетдилар. Иқбол опа қизининг юзига юзини босди. Шунда Маҳфузанинг юзи кўз ёшидан нам эканини сезди-ю, юраги «шиғ» этди.

– Қалай бориб келдинг? Дадангни топдингми, йўқми?!

– Дараклари топилди, ойи...

Алишер машинасини дарвозахонага киргизиб, ундан тушди-да:

– Юринглар, уйга кириб гаплашайлик, – деди.

Унинг кўриниши ҳам алланечук маънос эди. Опаси самолётдан тушгандан бери айтиб берган ҳодисалар, ўттиз йил олдинги шафқатсиз урушнинг тафсилотлари уни даҳшатга келтирган эди...

Тернополь шаҳри бендерачилар ёрдамида иккинчи марта фашистларнинг қўлига ўтган куни кечаси Умаржон ака олти хонали бир уйга ўз бўлинмаси билан бекиниб олиб, охирига нафаси қолгунча жанг қилган. У бу уйда турадиган аёллар билан болаларни орқа томондаги деразадан тушириб, қочиртириб юборган. Бўлмаса, улар ҳам битта қолмай ҳалок бўлар экан. Чунки фашистлар Умаржон акалар бекинган уйни оғир танк билан қулатиб, устидан босиб ўтган...

Тернополь душмандан иккинчи марта озод қилинганда харобалар остида жон берган жангчилар жасади кавлаб олиниб, биродарлар мазорига дафн этилган, аммо уларнинг кўпларини таниб бўлмаган, номлари аниқланмай қолган...

Фақат Умаржон ака орқа деразадан қочириб қутқарган болалардан бири уни яхши эслаб қолган. Шу уйда бир неча вақт бирга турганларида Умаржон ака ўзининг ўзбекистонлик эканини, Тошкентда бир ўғил, бир қизи борлигини айтган, бу гап боланинг ёдида қолган. Ҳозир бу бола – қирқ ёшдан ошган ўқитувчи экан. Тернопольлик изтопарлар Тошкентдаги Алишернинг хатини олиб, унинг отасига оид ҳужжатларни қидириб юрганларини шу мактабда ишлайдиган ҳалиги ўқитувчи эшитиб қолади.

Корамағиздан келган, қошлари ингичка, қийиқ кўз Маҳфуза отасига жуда ўхшаш эди. У отасини қидириб боргандан кейин, ҳалиги ўқитувчи бир қарашдаёқ Умаржон акани эслайди. Ҳатто уни жангчилар «Умар» деб атагани ҳам энди ёдига тушади. Умаржон ака деразадан қочириб, қутқариб қолган аёллардан яна бири шу шаҳарда яшар экан. Кейин ҳаммалари ҳарбий комиссариатга бориб, Умаржон Раҳимовнинг қандай ҳалок бўлгани, ўлими олдидан қандай жасорат кўрсатгани ва қаерда дафн этилгани ҳақида гувоҳлик берадилар. Умаржон ака шаҳар марказига – улуғвор мармар обида қўйилган саксон кишилик биродарлик қабрига дафн этилган экан. Лекин унинг кимлиги, қандай ҳалок бўлгани ҳалигача аниқланмагани учун мармарга ёзилган номлар

орасида унинг номи йўқ эди. Маҳфуза шаҳар ташкилотларига учрашиб, мрамар обидага отасининг номини ёздириб қайтди...

Ҳозир аэропортдан келаётиб, у бунинг ҳаммасини укаси Алишерга айтиб берар экан, кўзига қайта-қайта ёш олди. Алишер унга:

– Ўзингизни босинг, опа, оймга ёмон таъсир қилади, - деб бир неча марта айтди.

– Қандок қилай? Тернополда юрганымда ҳам ҳеч кўз ёшимни тўхтатолмадим. Кўчадаги одамлардан уялганимдан қора кўзойнак тақиб юрдим. Баъзида кўзойнакнинг тагидан ҳам ёш оқиб тушаётганини сезиб, рўмолча билан артиб оламан.

– Лекин... ҳалиги... – Алишернинг ҳам ўпкаси тўлиб, зўрға гапирди: – ҳалиги... харобалар остида қолиб кетганларини оймга айтманг.

– Жинни бўпманми?..

Ҳозир Маҳфуза ойиси билан ичкари уйга кирганда сандиқ яна очилганини, дадасининг ёқаси кашталиқ кўйлаги силлиқ қилиб дазмоллаб қўйилганини кўрди-ю, телеграммада «топдим» деб ёзганидан пушаймон бўлди. Иқбол опа ундан хушхабар кутиб, кўзлари жавдираб турибди. Маҳфуза ойисини кучоклаб, йиғи аралаш:

– Ойижон, сизга кувват берсин, мард бўлинг! – деди.

Иқбол опанинг ранги оппоқ бўлиб кетди. Қизининг кучоғидан сирғатиб чиқди-да, бўшашган, синиқ товуш билан:

– Нима... Даданг... энди йўқми?.. – деди.

– Нега?.. Дадамнинг руҳлари ҳамиша тирик! Дадам охиригача мардона туриб берган эканлар. Қанча болаларни оналари билан қутқариб қолган эканлар.

Иқбол опа инграгандек бир товуш билан:

– Мен-чи? – деди. Мени бу бевалиқдан энди ким қутқаради?

Иқбол опанинг огзи бирдан курукшаб, боши гир-гир айлана бошлади. Ойисининг касалини яхши биладиган Маҳфуза:

– Ойижон, бунча қаттиқ олманг, ўзингизни босинг! – деб уни секин диванга ўтқазди.

Иқбол опа дазмоллаб қўйилган ёқаси кашталиқ кўйлаққа қаради. Энди буни ҳеч ким киймайди! Шунча йилдан бери сандиқда асралган этик ҳам ҳеч кимга керак эмас! Кумуш ҳалқали найни Умаржон ака энди ҳеч қачон чалмайди... Бу даҳшатли ўйдан Иқбол опа йиғламоқчи бўлди, лекин кўзига ёш келмади. Томоғидан бир нарса бўғиб олган, ҳаво етишмаётгандек қийналар эди.

Алишер тез ошхонага чиқиб, бир пиёла сув олиб кирди. Махфуза ойисига сув ичирди. Кейин уни каравотга ётқизди.

Келинлари шифокор эди, дарров шприцни қайнатишга қўйди. У қайнонасига укол қилиб ўрганиб қолган эди. Аввал қон босимини туширадиган, юракни тинчлантирадиган укол қилди. Кейин ноуштага яқин инсулин укол қилди.

Иқбол опа уч-тўрт кун ўтгандан кейин хиёл ўзига келди-ю, Махфузадан сўради:

– Дадангнинг сурат-пуратлари йўқ эканми?

– Суратларини тополмадим.

Узоқ жимликдан сўнг Иқбол опа яна сўради:

– Ўз қўли билан қабрга қўйган одам бор эканми?..

– Билмадим... Мен унақа одамни кўрганим йўқ.


Алишер ойисининг бу саволлари тагида қандайдир маъно борлигини сезди. У эрининг ўлганига яна шубҳа қилмоқда эди. Тўғрироғи, «Умаржон акам бир кун эмас, бир кун келиб қолади», деган ўттиз йиллик илинж Иқбол опанинг қалбида яна уйғонмоқда эди. Бу илинжнинг тагида қанчалик катта меҳр, қанчалик чексиз садоқат борлигини Алишер энди сезмоқда эди. Бунинг ҳаммаси – ҳаёт-мамот урушида бизга ғалаба келтирган улуғ туйғулардан эканига чам унинг энди ақли етди. Шунинг учун онасининг қалбидаги илинжни асраб-авайлагиси келди.

– Ким билади ойи, «ўлди» деб қорахат келганларнинг қанчаси, тирик қолган-ку. Балки дадам ҳам тўсатдан келиб қоларлар...

Бу гаплар Иқбол опага ёқиб, ёстиқдан бошини кўтарди, заифгина кулимсираб:

– Тавба! - деб қўйди. - Фабрикада... аскарларга кийим тикиб юрганимда бир жувон билан ўртоқлашиб қолгандик. Икковимиз ҳам илғор бўлиб, газеталарда расмимиз чиққан эди. Шу дугонамга бир кун қорахат келди... Бечора эридан айрилиб роса йиғлади, аза тутди. Боласи йўқ эди... Урушдан кейин бошқа эрга тегди... Бир куни эшитсам, урушга кетган эри тирик экан, тўсатдан кириб келибди... Дугонам пушаймон. Армон қилиб йиғлайди...

Шу-шу Махфуза ҳам, Алишер ҳам оталарининг ўлимини оналарининг олдида тилга олмайдиган бўлдилар. Иқбол опа бир ҳафта кўрпа-тўсак қилиб ётди. Келини унга ҳар куни керакли уколларни қилиб, иссиқ-совуғига қараб турди. Кейин у ўрнидан туриб кетди.



Бир куни ярим кечада яна дарвоза тақиллади. Иқбол опа буни яна ўглидан олдин эшитди-ю, Алишерни уйғотиб:

– Қара-чи, даданглар эмасмикан? – деди.

Дарвозани қўшнилардан бири тақиллатган экан. Алишер қайтиб келиб, пиджагини елкасига ташлади-да:

– Акбарнинг хотинини тўлғоқ тутиб қолибди, туғруқхонага олиб боришим керак экан, - деди.

Иқбол опа секин бир «ух» тортди, лекин ўзини бардам кўрсатиб:

– Майли, болам, тезроқ олиб бора қол, – деди.

Алишер дарвозани очиб, машинасини кўчага олиб чиқар экан, кўнглида ёруғ бир туйғу пайдо бўлганини сизди. Ҳозир унга ҳам гўё отаси урушда ўлмагандек, эрта-индин дарвозани тақиллатиб келиб қоладигандек туюларди.

الأمل

لم تتزوج أختاي لوفائهما لزوجهما الذئب هلكا في الحرب العالمية الثانية. إحداهما ريت ولدين و
أخراهما ثلاثة أولاد. مثل هؤلاء الأمهات يوجدن في كل قرية. أعبر هذه الحكاية احترامى عليهن.

المؤلف

طرق الباب في الساعة الثانية ليلا. لم يسمع علي شير بسبب نوم عميق. بعد دقة قوية، فتح
باب الداحل و خرج "أخت إقبال". استيقظ علي شير و لبس و قال لطرف الباب
"حاضر!"

قالت "أخت إقبال" لتطمئن: "انظر سريعا، هل هو أبوك؟"

سأل علي شير بصوت بعد النوم: ماذا تقولين؟

- أبوك!

تعجب علي شير: أنت عجيبة، يا أمي. و ذهب إلى الباب.

أبو علي شير افتقد بدون أثر في الحرب منذ ثلاثين سنة.

الخوف عند "أخت إقبال" هي "المكتوب الأسود". التغيب بدون أثر هو أسهل منه. تنتظر

هي زوجها أن يأتي فجأة. إن دق الباب ليالي، تقول لأولادها "هل هو أبوك؟".

علي شير أيضا دائما كان ينتظر أباه في صغره. و لكن بعد ما كبر زال أمله. إن كان سليما،

لأني إلى عائلته أو أرسل رسالة.

قالت "أخت إقبال": هذه الحرب غيرت كل شيء. إن كان أبوك جرحا، أخذوه أسيرا، أو إن حدثت معه شيء، يصعب لأن لا يكون جرحا لأولاده. إن استطاع أن يبرر نفسه، قد يعود يوما. هذه الأقوال جعل علي شير أن يغرق في أفكار متفارقة. إذا تعب من هذه الخيالات، يذكر كيف شهد أبوه في ميدان الحرب. علي شير سمع أن في موسكو مؤسسة تشتغل بالمفتقدين و أرسل هناك الرسائل مرات و كرات. أرسل آخر الصور و الرسائل و العناوين. فطال البحث عنه. و أخيرا، جاءت الرسالة تبين أن أكثر المقاتلين في حزب أبيه شهدوا في حرب لمدينة "تيرنابول" لأكرانيا. من الاحتمال أن عمرجان رحيموف أيضا قد مات في هذه الحرب. ولكن لا يوجد الدليل علي أنه مات. لأن مدينة "تيرنابول" وقعت بيد العدو بسبب الخيانة بعد ما حررت مرة واحدة. ضاعت الوثائق و الدلائل في هذه الخيانة.

إذا لم تكن الدلائل، قد يوجد الناس. كتب علي شير الرسائل بهذه المعنى للمؤسسات. و لا نتيجة. في أحد الأجوبة قيل، من المستحيل أن نجد بالمواصفات في المكتوب. إذا جاء أحد يعرف هذا الشخص، يتيسر الأمر.

من يذهب؟ "أخت إقبال" عملت في المصنع ثلاثين سنة و استقالت. و لكن صحتها سيئة. عندها مرض اسمه "سكرية". درجة دمها مرتفعة. إن تذهب هي و تجد قبر زوجها، هل تفارق أيضا الأمل الأخير؟

قال علي شير: أنا أذهب. و لكن لم ترضَ أخته "محفوفة" فقالت: انت لا تذكر أبي. كنت طفلا. لو سأل الناس عن أبينا، ماذا أنت تقول؟ أنا رأيتُ أبي. أنا أذهب...

مضي ثمانية أيام منذ أن ذهبتُ محفوفة. لذا حين طرق الباب، تذكر علي شير أختها. في طريق الباب كانت توجد سيارة "زاباروجيتس". وجد علي شير مفتاح الكهرباء في الظلام. حين ضاء النور، قال الرجل عند الباب: تيليغراما".

فتح علي شير الباب و وقع البطاقة في ضوء النور. في نفس الوقت لبس "أخت إقبال" حجابها و اتجهت إلى الباب.

فتح علي شير التليغرام: "وجد ما بحثتُ، أنزل من الطائرة في الساعة الثالثة ليلا، محفوفة". اهتز علي شير من قول "وجد". فنظر إلى أمه و قال "أختي". قالت "ماذا هي تقول، هل وجدتُ أباك". قال "أظن وجدت"

قالت "يا الله، أين هو؟ لماذا لم يأتي حتى الآن".

كانت تقول "أخت إقبال" بثقة أن زوجها حي. انزعج علي شير من هذا. من الاحتمال أن محفوظة وجدت قبر أيها. الأخ والأخت لا يشكان في موت أيهما. إذا كان هو حيا، هل هو يصمت كذلك في "تيرنوبول". و لم تفكر أمه هذا. إن وثقت بأنه حي ولكن إن كان عكسه، يتعسر مريضه.

- يا أمي، لا تسرعني أن تنفي

- لماذا؟

- أختي تُبين بعد مجيئها.

- متى هي تأتي؟

- الساعة الثالثة ليلا. كم الساعة الآن؟ بقي أربعين دقيقة. يجب أن أسرع.

استيقظت زوجة علي شير و ليست مسرعة. خرجت "زاباروجيتس" إلى الشارع.

الأولاد الثلاثة ينامون علي السرير والقمر يجري في السماء.

دخلت "أخت إقبال" العرفة و اتجهت إلى الصندوق القلم و أخذت الفراشات إلى جانب

من علي الصندوق و فتحته بالمفتاح.

فتح الصندوق بصوت رفيع و فاحت من داخله رائحة "قلمبير منحاق". عمرجم كان يحب

رائحة "قلمبير منحاق". أحيانا كان يوقع واحدا و اثنين منه و يعضد و لذا تأتي رائحته من فمه

أيضا. علما بذلك، تحافظ "أخت إقبال" علي رسائل و البسة زوجها مع "قلمبير منحاق".

السروال النسيج الأصفر و القميص العراقي و الحذاء... قال عمرجمان في رسالته: "الرعاية علي

الطفلين ليس أمر سهول لا تحفظ الأشياء في البيت و يبعي البستي و اشترى الطعام". و لا تبع "أخت

إقبال" أشياء زوجها مهما باعت أشياءها. كل عام تنظف البسة زوجها. و تحلف السروال النسيج و

القميص العراقي عن الموضة حتى يكر علي شير. المعماري علي شير لا يلبس حذاء أبيه أيضا. لماذا

المتعلمون لا يلبسون مثل هذا الحذاء. كان عمرجمان أيضا معلما. كان يدرس علم النباتات و يلبس الحذاء.

إذا جاء عمرجمان تلبسه "أخت إقبال" كل هذه الألبسة و لو تخلقت عن الموضة. يوجد في

الصندوق "ناي" جميل. الحلقات الفضية لهذا الناي جميلة جدا. قبة الناي مزينة بالفيروزة الخضراء.

كان يرثم عمرجمان هذا الناي الأغنية "نواء" و أحيانا "دو كاه" و أحيانا أغاني لم تفهمها "أخت

إقبال". و الكون كان يمتلئ بالسرور هذه الأغنية. و الآن أيضا تشكل كأن الناي بدأ يغرد بيد

عمرجمان. كان يتلعلع النور من أسنان عمرجمان حين يرثم الناي. كأن النور ضاء الآن أيضا. بدأ تُسمع

الأغاني في قلب "أخت إقبال". في قلبها أيضا يوجد ناي و لكن يستطيع أن يرثمه فقط عمرجمان.

لم تُعط "أخت إقبال" هذا الناي لأحد منذ أن غادرت زوجها. يسكت الناي منذ 32 سنة. والحب في قلبها منتظر لعمرجان... كان عمرجان في سنة من عمره حين يرثم الناي لابساً هذا الألبسة. و "أخت إقبال" كانت عروساً في عمرها العشرين. تلك اللحظات حية في ضوء الناي و رائحة ال "قلم بير منجاق" و الألبسة. و الآن "أخت إقبال" استاقت و عندها أحفاد. و لكن في قلبها حظ هجران عام و الإحساسات هذه الأعوام. و هي تريد أن تعود إلي عمرها العشرين و تخطو خطوات هذه السنوات مع زوجها. ليتحقق هذا الأمل يجب أن يعود عمرجان. لعله يدخل من الباب مع أولاده. لأن قالت محفوظة "وجدت". أليس هذا القول عن أبيها. أصبح الأمل في قلبها ثفةً. أخذت المكواة الكهربائية و بدأت تكوي ملابس عمرجان.

* * *

جاء صوت الـ"زاباروجيتس" سحراً. خرجت "أخت إقبال" إلي الدار مسرعة و دخلت من الباب محفوظة. تعانقتا الأم و البنت. وضعت الأم وجهها علي وجه بنتها و أحست بدموع محفوظة. - كيف قضيت السفر؟ هل وجدت أباك؟ - وجدت بعض الأخبار، يا أمي... - أدخل علي شير سيارته الداخل و قال: - تعالوا، لندخل البيت و نتكلم. هو أيضا يبدو حزينا. أدهشته الأقوال التي قالتها أختها منذ أن نزلت من الطائرة... حين وقعت مدينة "تيرنوبول" بيد الأعداء، قاتل عمرجان مع قسمه الفاشيست حتي الموت. هو أخرج كل الأولاد و النساء من البناء إلا من الاحتمال أن يهلكوا أيضا. لأن الفاشيست أوقعت هذا البناء و مرت عليها بالدهابات. و حين حُررت المدينة "تيرنوبول" أخذوا جثث الشهداء من تحت الخرابات و دفنهم في قبر الإخوان و لم يستطيعوا معرفة وجوههم و لا أسماءهم... و لكن تذكره الطفل الذي أنقذه عمرجان. حين الحرب في داخل البناء تحدث معه عمرجان و قال له إنه من أوزبكستان و عنده طفل و طفلة. و هذه الأقوال تمكنت في ذهن هذا الطفل. الآن هذا الطفل في عمره الأربعين و هو معلم. سمع هذا المعلم عن بحث المكتشفين عن أبي علي شير.

محفوفة، سمراء، رفيعة الحاجبين و قصيرة العينين كانت تشبه أباها. حين رأى المعلم محفوفة تذكر عمرجان. حتى تذكر اسم "عمر" حين دعاه المقاتلون. إحدى النساء التي أنقذها عمرجان تسكن في هذه المدينة. ثم ذهب كلهم إلى المفوضية و شهدوا بأنه هلك و كيف دافع عنهم قبل الموت و أين دفن. ولكن لا يوجد اسمه علي الأحجار في القبر بعدم المعلومات عن كيفية موته من هو. التقت محفوفة المفوضيات و أكتبت اسم أبيها في الحجر المرمر...

حدثت هي كل هذه الحكاية لعللي شربعد ما نزلت من الطائرة و دمعت عينها دموعا. و قال لها علي شير مرات: لا تبكي، هذا يؤثر أُمي.

- كيف؟ لم أستطع أن لا أبكي في "تيرنوبول". كنت ألبس النظارة مستحبة الناس في الشارع. و تسقط الدموع من تحت النظارة و أمسح بالمنديل.

- "و لكن...الذي..." قال علي شير في نصف البكاء: لا تقولي لأُمي عن الجثث تحت الخرابات.

- لم أكن مجنونة...

حين دخلت محفوفة مع أمها الداخِل و رأت ملابس أبيها المكوية، تأسفت عن قولها "وجدت" في رسالتها. أمعنت عيون "أخت إقبال" إليها منتظرة البشرى. عانقت محفوفة أمها و قالت بالبكاء:

صرا يا أُمي.

اسودت الدنيا أمام وجه أمها و خرجت من عناق بنتها و قالت:

- أ لا يوجد أبوك؟

- لماذا؟ روح أبي حي دائما. قاتل أبي بمسارة حتى الموت. أنقذ كثيرا من الأمهات و الأولاد.

أنت "أخت إقبال" و قالت:

و أنا؟ من يقطنني من الأرملة؟

جف فم "أخت إقبال" و دار رأسها. قالت محفوفة أَلتي تعرف مرض أمها: يا أُمي، اطمنثني" و أجلستها علي الأريكة. نظرت "أخت إقبال" إلى قميص زوجها. لن يلبسه أحد. لا يحتاج أحد الحذاء الذي حافظتها في الصندوق. لن يرم عمرجان الناي الفضية الحلقة... أراد "أخت إقبال" من هذا الخيال المدهش و لم تأت الدموع عينها. اضطرت كأن لم يكف لها الهواء.

جاء علي شير بفنجان الماء من المطبخ. أشربت محفوفة أمها الماء و أمدتها علي السرير.

عروسها كانت طيبة و أغلقت الحقنة و هي تعودت أن تقوم بالحقنة لأم زوجها. أحققتها
أولا بحقنة تخفض ضغط الدم ثم للقلب. و أحققت "إنسولين" حين اقترب وقت الفطور.
بعد مرور 3 أو 4 أيام استيقزت سألت محفوفة:

- ألا توجد أي صورة أبيك؟

- لم أجد الصور.

بعد هدوء طويل، سألت أيضا:

- هل يوجد أحد دفنه بيده؟

- لا أعرف... لم أر أحدا فعل ذلك.

شعر علي شير أن وراء هذه الأسئلة معنى. هي بدأت تشك عن موت زوجها. استيقظت
الأمم الأعمام الثلاثين أن "عمرجان قد يأتي يوما". أصبح يشعر علي شير أن وراء هذا الأمل حناء
ضحما و رحمة بلا حدود. الآن هو فهم هذه الإحساسات. و أراد أن يحفظ الأمل في قلب أمها.
- آني نعرف، يا أمي، جاء الكثير مهما جاءت الرسائل المسودة عن موتهم. قد يأتي أبي...
أيقظت هذه الأقوال أمه و هي رفعت رأسها و قالت مبتسمة:

- عجباً... حين كنتُ عاملة في المصنع، تواددتُ مع إحدى الأرملة و عملنا معا جيدا و
خرجت صورتنا في الجرائد. و جاءت الرسالة عن موت زوجها. و هي بكت كثيرا. و لا عندها
طفل. بعد الحرب، تزوجتُ و لكن عاد زوجها من الحرب سالما و بكتُ من تأسفها دموعات.
بعد هذا، لم يذكر علي شير و محفوفة موت أبيهما عند أمهما. بقيتُ "أخت إقبال" في
الفراش ثلاثة أو أربعة أسابيع و أحققتها عروسها و بعد ذلك، قامت سليمة.

و إحددي الليالي، طرق الباب و أيقظتُ "أخت إقبال" ولدها و قالت: "انظرا هل هو أبوك؟"

كان الطارق أحد الجيران و عاد علي شير و خلع لباسه و قال: زوجة "أكبر" في وشك
الولادة، يجب أن أذهب هم إلي دار الولادة في سيارتي.

و آهت الأم و قالت: حسنا يا ولدي، أسرع.

علي شير أخرج سيارته و ولد في قلبه الأمل كان أبوه قد يأتي طارق الباب يوما ما.

ترجمها: لاشينبيك عبد الكريموف

*Араб филологияси кафедраси магистри
Лочинбек Абдукаримов таржимаси*

АДАБИЁТ МУАЛЛИМИ

Ўзининг айтишига кўра “Нафис адабиёт муаллими” ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сигирнинг қулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди – бошини силкийди, пишқиради.

– Ҳайвон! Сигир эмас, хайвон! – деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб. – Ҳайвон!

Хотини Мукаррам ҳовлида самоварга сув қўяр эди.

– Ҳайвон! – деди Бақоев. – Бу сигирни сотиб пулига чўчка олиш керак!

– Шаҳарда чўчка асраш мумкин эмас, – деди Мукаррам самоварга кўмир солаётиб.

– Нима учун? Тақик қилинганми? Ким айтди? Мен айтиб эдимми? Тўғри, мумкин эмас... албатта, мумкин эмас...

– Уйга кириб, Ҳамида келди.

Ҳамида ўн олти ёшлардаги тийрак, қувноқ қиз, поччасини кўриб севиниб кетди.

– Сиз уйда экансиз, билсам дафтаримни олиб келар эканман... эсизгина...

Ўртоқ Боқижон Бақоевнинг таъби очилди. – Сигирнинг қулоғидаги кўм-кўк кана, ўғқиллаб тумшуғи билан ариқ ёқаларини бузиб юрган чўчка кўз олдидан кетди.

– Тезниқумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми? – деди.

– Ҳимм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шеклилли? Ҳимм... Ауфф, зарда бўлибман... Рабфак яхши. Мен бир борган эдим. Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйибди. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар. Мен шахсан шундай деб биламан.

Бир оз жим қолишди.

– Боқижон ака, – деди қиз уялиброқ, – бир нарсани сиздан сўрамоқчи эдим: биз синфда Чеховнинг “Уйку истаги”ни ўқидик, гўдакни ўлдирган қизни суд қилмоқчимиз. Даъвогар гўдакнинг онаси – Раҳима бўлади, қораловчи – Шарифжон. Судьялар ҳам бўлади. Мен қизни оқлаб, бутун гуноҳни унинг хўжайинига ёш қизни бу қадар бераҳм эксплуатация қилган кишига қўймоқчиман. Мана шу ... Шунга ёздим. Шу тариқа сизнинг фикрингизни билмоқчиман. Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев ўйлаб туриб, сўради:

– Нафис адабиёт дарсини сизларга ким беради? Ҳақимов? Аҳмоқ одам! Ўз устида ишламайди. Савол аломати ҳамма вақт “ми”дан кейин қўйилади десам, кулади. Гап бунда ҳам эмас...

Мукаррам самовар кўтариб кирди. Ҳамида иргиб туриб, самоварни опасининг қўлидан олди ва столга қўйди. У, хомиладор хотинга самовар кўтартириб, қараб ўтирган поччасидан ўпкаламоқчи эди, бироқ уялди, индамади. Ўртоқ Боқижон Бақоев жуда чанқаб турган экан, устма-уст тўрт пиёла чой ичди ва терлади.

– Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, – деди юзидаги терни артиб. – Ҳимм... соқол ҳам ўсипти, сартарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. маймун, жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгельснинг фикри бор...

– Ҳалигини айтмадингиз, Боқижон ака, – деди қиз, – Чехов шундай демоқчи эмасми?

Ўртоқ Бақоев яна бир пиёла чой сўради.

– Чеховми? Ҳим... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиши керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳим... Мукаррам, товукқа мояк қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товукдан аҳмоқ жонивор йўқ – мояк қўйсанг тугади! Нима учун мояк қўйсанг тугади? Хўроз нима учун сахарда қичиради? Ажойиб психология? Биология ўқийсизларми?

Ҳамида биологиядан нималар ўқиганини, бу ўқиш йилида яна нималар ўтиллажагини сўзлаб берди ва ўзининг оқлаш нутқида физиологик асослари ҳам кўрсатиш нияти бор эканини айтиб, яна сўзни Чехов устига бурди.

– Ҳим, – деди Бақоев, – Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор. Бошқалар нима деса десин, ҳар ҳолда унинг дунёга қарашида... Унинг дунё қараши Пушкин ва Лермонтовларнинг дунёга қарашидан фарқ қилади. Бир давр, бир синф, бир мамлакат ёзувчилари бўлишларига қарамасдан мутлақо фарқ қилади!

– Чехов Пушкин билан бир даврда яшаган эмаску. – деди Мукаррам, – бизнинг кутубхонада унинг Максим Горький билан олдирган сурати бор. Чехов 1904 йилда ўлган бўлса керак.

Ўртоқ Бақоев бир оз ўнғайсизланди.

– Сизлар қайси Чехов тўғрисида гапираётибсизлар? Чойдан куй!.. Бу Чехов ҳақидами? Тўғри, бу 1904 йилнинг биринчи ярмидами, иккинчи ярмидами ўлган... Бошқа рўмолча бер, бундан пиёз ҳиди келаётпти. Мен ана у Чехов, илк буржуазия реализмининг намояндаси бўлган Чехов ҳақида сўзлаётиман.

– “Уйку истаги” қайси Чеховники? – деди Ҳамида.

– Ҳеч шубҳасиз бу Чеховники. Бу нарса биринчи марта “Современник” журналида босилган.

Шундан кейин ўртоқ Боқижон Бақоев узундан-узоқ сўзлаб кетди. Унинг нима тўғрида сўзлаётганини Ҳамида билмас эди. Детирдинг деган аллақандай машхур танқидчи Шеллинг деган ёзувчига “сен дастёрга зор бўлгунча ўғлинг дастёр бўлади” деб хат ёзган: Маркс Добролюбовни Меринг билан бир қаторга қўйган; Стендинг деган аллақандай бир драматург ўлар чоғида Демпинг деган бир танқидчига: “Агар бутун жониворларни худо яратган бўлса, мен унинг завқга қойил эмасман, эчкиэмар ҳам жонивор бўлдимми?” деган... Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди: икки марта секин билдирмасдан эснади.

Ҳамида мезбонлар билан хайрлашиб кўчага чиққанда қоронғи тушган эди: “Уйку истаги” тўғрисида поччасидан ҳеч қандай фикр ололмади. Унинг сўзларидан нима олгани ҳақида ўзига ҳисоб берар экан, ғувиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикум, минимум, максимум; Детирдинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...

مُعَلِّمُ الْأَدَابِ

كما قَانَسُهُ "النَّفْسُ مُعَلِّمُ الْأَدَابِ" السَّيِّدُ بِأَقْبَانٍ بِقَايُوفٍ دَخَلَ الْحَظْرَةَ وَ نَزَلَتْ كَيْفِيَّتُهُ: سَطَّ
الْقِرَادُ عَلَى أُذُنِ بَقْرَتِهِ! غَيْرَ الْقِرَادِ غَضِبَتْهُ الْبَقْرَةُ: هُوَ يَرِيدُ أَنْ يَأْخُذَ الْقِرَادَ بِكَيْفِهَا تَمَتُّعًا وَ تَسْحَرَكُ رَأْسَهَا.
حَيَوَانَ! لَيْسَتْ الْبَقْرَةُ. حَيَوَانَةٌ! – قَالَ وَ عَلَّقَ بَابَ الْحَظْرَةِ بِشَدِيدٍ – حَيَوَانَةٌ! كَانَتْ زَوْجَتُهُ تَصُفُّ
الْمَاءَ إِلَى سَحَابَةِ الْمَاءِ فِي الْفِنَاءِ – قَالَ بِقَايُوفٍ حَيَوَانَةٌ! لِأَنَّهَا تَبِيعُ هَذِهِ الْبَقْرَةَ وَ أُبَيْعَ يَأْخُذُ الْحَزِيرَ
لِنَمْنِهَا! بَدَلَهُ – لَا يُمْكِنُ رِعَايَةُ الْحَزِيرِ فِي الْمَدِينَةِ قَالَتْ مُكْرَمَةٌ عِنْدَمَا تَصْعُقُ الْفَحْمَ إِلَى سَحَابَةِ الْمَاءِ. –
لِمَاذَا؟ أَلَيْسَ هَذَا؟ مَنْ قَالَ؟ أَيْ أَنَا كُنْتُ أَقُولُ؟ صَحِيحٌ لَا يُمْكِنُ... طَبَعًا لَا يُمْكِنُ.
– أَدْخَلَ الْغُرْفَةَ جَاءَتْ حَمِيدَةٌ.

حميدة عُمرها سنة عشر و كانت ذكية و فرحانة. أصبحت فرحانة عِنْدَمَا رَأَتْ صِبْهَهَا.
 - عندما اعرِف انت في البيت أحيي بالدفتري (انت كنت في البيت كنت عارفة اخذت
 معي دفتري) للأسف!... اصبح السيد باقجان بقايوف فرحانا. مَشَى مِنْ أَمَامِ عَيْنَيْهِ الْفَرَادِ الْاَزْرَقِ
 فِي أُذُنِ الْبَقْرَةِ وَ الْحَزِيرِ الَّذِي هَدَمَ يَخْطُمِهِ حَوْلَ الْحَدَوَلِ.
الصديق الذي ينصحك "أحسن من أهلك" بدلاً من مساعدتك أو التوصية لما أنت تذهب لاستشارة أو الاستعانة هو ليس صديقاً بل هو متعارف كالمعتاد.

ИНСОФ ВА ИЙМОН

Одам ўз манфаатига мос келиш-келмаслигидан қатъи назар эзгу-амалларни бажарса ва қилиш мумкин бўлмаган ишлардан тийилса, инсофли бўлади. Бунинг учун у мукофот олмаслиги мумкин. Аммо иймони тўқис бўлади. Шу боисдан, бундай инсонни иймонли дейдилар.

Одам эзгу амаллардан манфаат топа олмагани учун улардан воз кечса ва қилиш мумкин бўлмаган ишларни қилса, ноинсоф бўлади. Бунинг учун у жазоланмаслиги мумкин. Аммо иймонга шикаст етади. Шу боисдан, бундайларни иймонсиз дейдилар.

Иймонсизлик эса қабоҳатлар учун дарвозани ланг очиб қўйиш билан тенг. Инсоф-иймон дарвозасининг посбонидир!

القسط و الإيمان

إذا الإنسان يعمل الأعمال الصالحة و يمسك عن الأعمال المنوعة بقطع النظر إلى أن يلقى بمصالحه فهو يكون إنساناً مقسطاً. و يمكنه ألا يحصل على الجائزة لهذا. و لكن يكون إيمانه كاملاً. و لهذا السبب يسمون مثله مؤمناً.

إذا الإنسان عمل الأعمال المنوعة و ترك الأعمال الصالحة بسبب أنه ما وجد المصلحة منها فهو يكون إنساناً ظالماً. يمكنه ألا يعاقب لهذا. و لكن يتضرر إيمانه. و لهذا السبب يسمون مثله كفوفاً. أما الكفر فهو مساو بأن يفتح الباب عريضاً للقباحات! القسط هو الحارس لباب الإيمان!

ГУМРОҲ БАНДА

Одамларга ҳайронсан. Ота-онаси тириклигида икки огиз ширин сўзни текинга айтмайди-да, улар ўлганидан кейин минг-минг пул сарфлаб, ўша сўзларни қабртошга ёздириб қўяди...

العباد الضالون

تتخبر من الناس. عندما والداهم حيّان لا يقولون لهما بضع كلمات لذينة مجانياً و بعد فافهما يصرف آلاف من النقود و يكتب تلك الكلمات على القبر...

МАМНУНИЯТ

Олимлар ер юзида одамсимон маймунлар камайиб кетяпти, деб бонг урмоқда. Улар ташвишланмаса ҳам бўлади. Ер юзида маймусимон одамлар кўпайиб бормоқда...

ممنوع

القرديّة يعلن العلماء أن القروود شبه الإنسان لا تزال تقلّ. يمكنهم ألا يقلقوا. على سطح الارض (يزال) الناس يزيدون شبه القرد...

БАХТЛИ ВА БАХТСИЗ

Бахтли одам худбин бўлади: бахтсизларга ачинмайди. Бахт-сиз одам ҳам худбин бўлади: бахтлиларга гайирлиги келади.

السعيد والتعيس

التعيس يكون أنانياً: هو لا يتأسف على التعساء. التعيس يكون أنانياً أيضاً: يتمت بالسعداء.

ДАЪВО

Донолик билан нодонлик шу қадар яқинки, одам доноликни қанча кўп даъво қилса, шунча нодон бўлади!

الدعوى

الحكمة و الجهل قريبان للغاية، كم كثيراً يدعى الإنسان الحكمة فيكون جاهلاً بقدر ذلك.

ДАҲО ЭКАНСИЗ

“Аёл қавмини ипидан игнасиғача биламан”, дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз! Айтингчи, шарқдан секундига беш-етти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин шимолга буриладими, жанубгами? Ярим соатдан кейин изғиринга айланадими, бўронгами?...

أنت "عبقري"

أ تقول إنك تعرف أهل الأنتى جيداً جداً (من الفتلة حتى الإبرة)؟ آه، أنت عبقري!
قل لي، الريح التي تمب من الشرق حمسة - سبعة أمتار في الثانية بعد عشر دقائق تنحني إلى
الشمال أو الجنوب؟ و هل بعد نصف ساعة يتحول إلى القارس أو العاصفة؟..

ХУДОНИНГ ҚУДРАТИ

Табиат шунақанги қудратлики, ҳоҳласа, гулшаннинг қоқ ўр-
гасида сассиқ алаф ўстиради. Ҳоҳласа, ботқоқнинг қоқ ўртасида
нилуфарни гуллатиб қўяди...

قدرة الله

الله قادر كبير، إن شاء، أنشأ العلف المتن في وسط حديقة الورد. إن شاء، جعل النيلوفر
يزهر في قلب النعصة...

ЛАЙЛАК

Она ёш эди. Она навжувон эди. Бола гўр эди, бола гўдак эди....
Кунларнинг бирида она-бола қишлоққа – узоқ қариндошларини-
кига борадиган бўлишди. Она қаддини ғоз тутиб, тез-тез юриб бо-
рар, бола эса аланг-жаланг қилиб атрофдаги манзараларни томоша
қилар эди. Қишлоқ гузарида ярмини яшин учуриб кетган баҳайбат
чинор бор экан. Бола дарахтни кўриб анграйиб қолди: чинорнинг
тарвақайлаб ўсган шохида супрадек каттакон уч қорайиб кўринар,
уйда эса оёғи, тумшуги узун бир қуш турар эди.

Бола мўъжиза кўргандек таққа тўхтаб қолди.

– Анави нима, ойи? - деди ўша томондан кўз узмай.

– Лайлак, ўғлим, лайлак! - она ўглининг бошини силаб қўйди.

– Юра қол, жоним.

Бола ҳеч қачон бунақа қушни кўрмаган эди. Қуш негадир бир
оёқлаб турарди. У яна тўхтаб қолди.

– Нима у, ойи? - деди тагин чинор учига кўз тикиб.

– Лайлак, ўғлим, лайлак.

– Нимага бир оёқда турибди? Она кулди:

– Бир оёғи чарчагандир-да. Юра қол, жоним.

Оёғи узун куш негадир бўйнини чўзиб, тумшугини осмонга қаратиб силкитар, шунда “тарак-тарак” деган овоз эшитиларди.

Бола тагин тўхтаб қолди.

– Нима ўзи у, ойи?

Унинг кўзларида қувонч бор эди. Ҳайрат бор эди. Она шошиб турарди. Мингта юмуши бор. Ҳали шаҳарга қайтиши керак.

– Лайлак дедим-ку, жиннивой, - деб оҳиста эгилиб, ўглининг юзидан ўпди. - Сенга салом беряпти-да.

Она ёш эди. Она навжувон эди.

...Орадан ўттиз йил ўтди. Бола йигит бўлди. Она кексайиб қолди. Оёғидан мадор, кўзидан нур кетди.

Кунлардан бирида она-бола иттифоқо яна ўша кишлоқа бориб қолдилар. Йигит қаддини ғоз тутиб тез-тез юриб борар, она эса толиққан оёқларини, оғир-оғир кўтариб босганча ҳарсиллаб келарди. Гузардаги ярмини яшин учириб кетган чинор хали ҳам бор экан. Буни қарангки, чинорнинг тарвақайлаб ўсган шоҳида ҳамон супрадек каттакон уя қорайиб кўринар, уяда эса оёғи, тумшуги узун лайлак турарди. Йигит лайлакка бир қараб кўйдию қадамини тезлатди.

Орқада келаётган она нурсизланиб қолган кўзларини чинорга, чинор шоҳида қорайиб турган уяга тикди. Шоҳда осилиб турган нарса кўзига галати кўринди.

– Анави нима, ўғлим? – деди тўхтаб.

– Лайлак, ойи, лайлак!

Она яхши эшитмади. Уч-тўрт қадам юриб яна тўхтаб қолди. Саватдек нарса ичида бир нима оқариб кўриняпти. Тавба...

– Нима, ўғлим? – деди кўзларини пирпиратиб.

Ўғил таққа тўхтади. Ғаши келди. Ўзи шошиб турибди: мингта иши бор! Одам қариганидан кейин эзма бўлиб қоларкан-да!

– Лайлак! – деди жержиб. – Лайлак деяпман-ку, кармисиз!

Шундай деди-ю, жаҳл билан тез-тез юриб кетди.

Начора, йигит ёш, йигит навқирон. Унинг юмуши кўп. Ҳали шаҳарга қайтиши керак... Унинг гўр, гўдак болалари бор...

القلق

كانت أم شابة. كانت أم ... كان طفل حمام (غر) و وليداً. ذات يوم الطفل أراد الذهاب إلى قريهها البعيد في القرية. كانت رأم تسير سريعة طويلة القامة، أما الطفل فهو كان يتفرج

المشاهد في الأطراف ملتفتاً بمنة و بسرة. في ... القرية شجرة التشينار الهائلة التي أطار الوميض نصفها. رأى طفل الشجرة و مملكته الحيرة (تعجب): كان العش الكبير... يبدو مسوداً على غصن شجرة التشينار... و في العش كان طائر طويل الرجل و المنقار. وقف الطفل كأنه رأى المعجزة. قال ليس صارفاً نظره عن ذلك الطرف:

- يا أمي ما ذلك؟

- اللقلق، يا ابني، اللقلق!- مسحت الأم رأس ابنها. - امش، يا عزيزي.

لم يكن الطفل يرى طائراً مثله. لأسباب مجهولة كان الطائر يقف على رجل واحدة. وقف مرة ثانية. ما ذلك، يا أمي - قال حادقاً نظره في قمة التشينار مرة ثانية.

- اللقلق، يا ابني، اللقلق.

- لما ذا هو يقف على رجل واحدة؟

ضحكت الأم:

- ربما رجله الأخرى تعبت. امش، يا عزيزي.

لأسباب مجهولة طائر طويل الرجل كان يمد رقبته و يحرك منقاره نحو السماء و لذلك كان يسمع الصوت "تراك تراك".

و وقف الطفل مرة أخرى.

- يا أمي، ما هو؟

في عينيه كان الفرح و الحيرة. كانت الأم تسرع. عندها ألف شغل. و يجب عليها أن تعود إلى المدينة.

- قلت إنه لقلق، يا مجنون- قالت و انحوت. هادئاً فقيلت وجه ابنها. - هو يسلم عليك.

كانت أم شابة.

مضى ثلاثون سنة. أصبح الطفل شاباً. أصبحت الأم عجوزاً. تركت القوة من رجلها و النور من عينها.

ذات يوم اتفاقاً الأم و الطفل ذهبا إلى تلك القرية. كان الشاب يمشي سريعاً طويل القامة أما الأم فهي كانت نحيفة و لا هدة و تحطو ثقيلة و تاعية. التشينار التي أطار نصفها الوميض لا تزال قائمة في مكانه. انظر على أنه لا يزال العش الكبير يبدو مسوداً على غصن التشينار، أما في البيت كانت اللقلق طويل المنقار. نظر شاب إلى اللقلق مرة واحدة و أسرع خطواته.

الأم تمشي في الخلف حدقت نظرها في التشينار و العش الذي يبدو مسوداً على غصن التشينار. ظهر شيء معلق على الغصن غريباً.

- ما ذلك يا ابني؟- قالت واقفة.

- اللقلق، يا أمي، اللقلق!

لم تسمع الأم حسناً. مشى ثلاث-أربع خطوات و وقفت مرة ثانية. يبدو شيء مبيضاً في شيء مثل السلة. سبحان الله...

ما ذا هو، يا ابني؟- قالت محدقة في عينيها.

وقف الابن. هو حزين. إنه يسرع: لديه ألف شغل! بعد ما شيخ الإنسان يصبح رعاعاً!

- اللقلق!- قال زاجراً.- أنا أقول إنه لقلق، أ أنت أصم؟

قال هكذا و مشى بفضب سريعاً.

شاب فتى و شب. لديه كثير من الأشغال. يجب عليه أن يعود إلى المدينة... عنده أولاد ولدان و أغرار...

ТАРИХ “ХАТОСИ”

Тўққизинчи аср. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди.

Ўнинчи аср. Абу Наср Форобий Аристотелнинг “Метафизика” асарига эҳг мукамал шарҳ ёзиб, “иккинчи устоз” унвонини олди.

Ўн биринчи аср. Абу Райҳон Беруний Ер билан Ой ўртасидаги масофани ўлчади. Ибн Сино медецина Қомуси - “Тиб қонунлари”ни яратди.

Ўн тўртинчи аср. Соҳибқирон Амир Темур Евроосиёнинг ярмини тасарруфга олди. Аҳли илм бошини силаб, ўлмас обидалар яратди.

Ўн бешинчи аср. Улуғбек 1019 юлдузнинг ҳаракат жадвалини тузди. Алишер Навоий ўлмас “Хамса”сини ёзди.

Ўн олтинчи аср. “Бобурнома” оламга тарқалди.

Ўн еттинчи аср. Шоҳжаҳон дунёдаги етти мўъжизанинг бири - “Тоғмаҳал”ни бунёд этди.

Йигирманчи аср. Ўзбек-совет олимлари мисли кўрилмаган “ихтиро” қилдилар: тарих “хато”сини тузатиб, ўтмишда биз ёппасига “саводсиз” бўлганимизни исботлаб бердилар...

"خطأ" التاريخ

القرن التاسع. أسس محمد الخوارزمي علم الجبر.
القرن العاشر. كتب أبو نصر الفارابي أكمل تفسيره لمؤلفة أريستوتيل "ميتافيزيكا" و حصل على الرتبة "المعلم الثاني".
القرن الحادي عشر. قاس أبو ريحان البيروني المسافة بين القمر و الأرض. وضع ابن سينا قاموس الطب - "قوانين الطب".
القرن الرابع عشر. أخذ أمير تيمور صاحب القران نصف يورواسيا تحت تصرفه. مسح رأس أهل العلم و أنشأ الآثار الأبدية.
القرن الخامس عشر. وضع ألوغيك جدول حركة ألف و تسعة عشر نجماً. كتب غاليليو نواتي مؤلفته الأبدية "الخمسة".
القرن السادس عشر. انتشر "بابورنانا" في العالم.
القرن السابع عشر. أقام شاخجاهان "تاجماهال" - إحدى من سبع معجزات في العالم.
القرن العشرون. اخترع علماء السوفيت الأربك "اختراعاً كبيراً جداً": هم صحّحوا "خطأ" التاريخ و أثبتوا أننا كنّا في الماضي "جهلاء" تماماً...

УМР

Танишдилар...

Севишдилар...

Турмуш қурдилар...

Фарзанд кўрдилар...

Тўнгичи нимжонроқ эди. Касал бўлиб, кўп куйдирди...

Ўртанчаси ўйинқароқ эди... Қамалиб чиқди...

Кенжаси қиз эди... Эркароқ ўсди. Турмуши бузилди...

Бир куни эркак кечаси уйғониб кетди. Узоқ ўй ўйлаб ётди.

Қараса, аёли ҳам уйғоқ экан.

- Онаси, - деди. - Дунёга келиб нима кўрдик ўзи?

- Билмасам, - деди аёли хўрсиниб...

... Боботокқа борганимда қуриб қолган иккита дарахтни кўргандим. Иккаласи бир-бирига суяни-и-иб турарди...

الحياة

تعرفوا...

أحبوا...

تزوجوا...

ولدوا... ولدهم الأكبر كان ضعيفاً. كان مريضاً و عذّبهم (أحرقهم) كثيراً...

ولدهم المتوسط كان مُحبّاً للعب... حيس...

كان مولودهم الأصغر بنتاً... بنت مدلّة. فارقت زوجها (المهدم)...

ذات يوم ليلاً استيقظ رجل. استغرق في التفكير طويلاً. و رأى أن زوجته مستيقظة أيضاً.

- يا زوجتي، - قال. - ماذا رأينا مطلقين على الدنيا (مولودين)؟

- لا أعرف، - قالت زوجته متتهدة...

لما ذهبت إلى باهاتاق كدت أرى الشحرتين المحففتين. كلاهما كانتا تعتمدان على بعضهما بعضاً.

КУЧСИЗНИКИ-КУЧЛИ

Кучли одамнинг газабидан кўркманг. Ожизникидан кўркинг!
Кучли тўкса, ўз газабини тўкади. Ожиз эса ўз газаби билан бирга
ўзгалардан кўрган ситамини ҳам кўшиб сочади...

للضعيف قوي

لا تخف غضب الإنسان القوي. حَفَّ غضب الضعيف! إذا صب (أفرغ) القوي صب غضبه.

أما الضعيف فهو يصب غضبه مع الظلم الذي رآه من الآخرين...

ТОВУҚ

Жўжаси чийиллиб, безор қилмаслиги учун тухумини инкубатор-
га топширди. Энди бошқа Хўроз билан дон олиши-и-иб юрипти...

الدجاجة

سلمت بيضها إلى محطة التفريخ كيلا يصأي فرخها و يضرها(تلها). و الآن تداعب(تسير

مداعة) مع الديك الأخر...

ОҚ ВА ҚОРА (Хуқуқшунос укамга тилагим)

Қора қоғоз харчанд ювган билан оқ бўлмайди. Оқ қоғозни қора қилиш учун бир чизик тортиш кифоя.

Қорани оклаш эмас, Оқни қораламаслик адолатдир!

الأسود و الأبيض

(أمنيّتي إلى أخي الحقوقي)

لن تكون الورقة السوداء على الرغم من غسلها. و يكفي أن يخط خطأ واحداً كي يسود
الورقة البيضاء.

إن العدل ليس أن يبيّض (يرئى) الأسود بل ألا يسود (يتهم) الأبيض!

АҚЛ ВА ТУЙҒУ

Эркак – ақлга, аёл – туйғуга мойил, дейдилар.

Ақл туйғусига бўйсунган эркак – нодон. Туйғуси ақлига бўйсунган аёл донодир...

العقل و الحسّ

يقولون إن الرجل مائل إلى العقل و المرأة تميل إلى الحس. الرجل الذي يطيع عقله إلى حسه
هو جاهل. و المرأة التي تطيع حسها إلى عقلاها هي حكيمة...

ДИЛ ВА ТИЛ

Дили билан тили муттасил бир кўчадан юрадиган одамга осон тутманг...

القلب و اللسان

لا تستسهل للإنسان الذي يسير قلبه و لسانه في الشارع الواحد دائماً...

УЯТ

Бандасидан уялмаган одамнинг Худодан кўрқишига ишониш қийин.

الحياة

هذا صعب أن يصدق الإنسان الذي لم يستح من عباد الله خشيته من الله.

ЭВОЛЮЦИЯ

Ота-боболаримиз бундан юз минг йил аввал бир-бирини тош-болта билан ўлдирган. Биз бир-биримизни ядро куроли билан қириб ташлаш йўлини ўйлаб топдик.

“Ўсиш” бўлса, шунчалик бўлади-да!

التطور

منذ مئة ألف سنة قتل أجدادنا و آباؤنا بعضهم بعضًا بالفأس الحجري. اخترعنا الطريق الذي

يقتل به بعضنا بعض بالسلاح النووي.

إن التطور يكون هكذا!

“ГИРГИТТОН БУВИ”НИНГ ЯПОН НЕВАРАСИ

Ҳали мактабга қатнамасдим. Куз паласи томоғимга “тепки” келиб, бўйним шишиб кетди. Ойим “иримини қилиш” учун “Гиргиттон буви”никига олиб чиқди.

Дунёда “Гиргиттон буви”дан мулоғим, ундан меҳрибон одам бўлмаса керак. Ҳамма билан “бувинг гиргиттон” деб айланиб-ўрғилиб кўришади... Бувининг ҳовлисига кирсак, этакдаги девор тагида аллақанча ёнғоқ думалаб ётибди. Кечаси шамолда тўкилган бўлса керак. Югуриб бориб, тера бошладим. Бир маҳал айвон томондан “Гиргиттон буви”нинг овози келди:

– Ҳай, ҳай, гиргиттон, тегма ёнғоққа! – Шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнғоқларни олиб, пастак девор оша нарёққа улоқтира бошлади.

Сўнг хазон орасида ётган бошқа ёнғоқларни ҳам энкайиб терганча, девор ортига ташлади. Бувининг бундай “қизғанчи”лигига хайрон бўлиб туриб қолдим. Ниҳоят тўкилган ёнғоқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўлимдан етаклади. “Юра қол, гиргиттон, санга бошқа ёнғоқ бераман!” Шундай деб, пастак бостирмага олиб кирди-да, саватда ўйилиб ётган ёнғоқлардан ҳовучлаб олиб, дўппимни тўлдириб берди...

Сўнг тушунтирди:

– Деворнинг нарёғида қўшнининг ҳам ёнғоғи бор. Сен терган ёнғоқ қўшнининг дарахтидан тўкилган бўлиши мумкин. Бировнинг ҳақини ўзидан сўрамасдан олса, гуноҳ бўлади, гиргиттон!

Бу гапларни унутиб юборган эдим-ку, орадан кўп йиллар ўтиб тагин ёдимга тушди.

Япониядан бир гуруҳ мартабали меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида Япония парламенти раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Шу кишига хамроҳ бўлиб Самарқандга бордик. Меҳмон икковимиз ва таржимон бир машинада кетянимиз. Самарқанд кишлоқ туманида бораётиб, яшнаб ётган боғ олдидан ўтдик. Йўл чети кета-кетгунча шафтолизор. Зарғалдоқ шафтолилар фарқ пишган. Ҳар бири кичик-роқ чойнакдек келади. Меҳмон ниманидир завқланиб гапирди. Таржимон меҳмон жаноблари бу боғ кимники эканини сўраётганларини айтди. Япония, Корея, Хитой сингари мамлакатларда шафтолига айрича ихлос қўйишларини эслаб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўрадим. Йўл четидаги ариқчадан хатлаб ўтиб, қўлимга сиққанча шафтоли узиб олдим. Буни қарангки, нарироқда темир қувурдан сув оқиб турган экан. Шафтолиларни чайиб, олиб келдим. Меҳмонга узатдим. Меҳмон одоб билан жилмайди, аммо қатъиян бош чайқади. Ўз тилида ҳаяжонланиб, бир нима деди.

– “Мумкинмас” деяптилар, - деди тилмоч таржима қилиб.

– Ташвишланманг, жаноб, - дедим тушунтириб. – Бояги сув ифлос эмас, водопровод кранининг суви. Бу гуман тўлиқ водопроводлашган. Бемалол еяверинг, мана, ўзим бошлаб бера қолай.

“Меҳмон тагин бош чайқади. Таржимонга бир нималарни куйманиб тушунтирди.

– Мумкин эмас! - деди таржимон меҳмоннинг гапини сўзма-сўз ағдариб. – Жаноб шафтолининг эгасига ҳақ тўламадилар. Шунча мевани сўроқсиз олиб чиқдилар. Мумкинмас.

Биз ўтиб бораётган жой менга бегона эмаслигини, бу ерга кўп келганимни, туманнинг ҳокими – мэри яқин танишим эканини айтдим.

Барибир, гапларим ишончсиз чиқаётганга ўхшаётганини ўзим ҳам сезиб турардим...

... Кўз ўнгимда икки букланганча ёнғоқ териб, пастак девордан қўшниникига улоқтираётган “Гиргиттон буви” пайдо бўлиб қолгандек эди...

... Шунда дунёдаги бани инсоннинг ҳаммасини Худо яратганига, улар орасида феъл-атвори, инсоф-виждони бир-бирига жуда ўхшашлари оз эмаслигига яна бир карра иймон келтирдим...

الحفيد البياني للجددة "الجرجيتان"⁸

ما كنت أذهب إلى المدرسة. في وقت الخريف جاء التهاب الغدة النكفية إلى حلقي و
اتفحت رقبتي. أخرجتني أمي إلى بيت الجددة الجرجيتان لكي ...

أرجح الظن أن في الدنيا لا إنسان أنعم (لطيف) و أشفق من الجددة الجرجيتان. هي تسلم
على الكل بقول "حدثك جعلت فداك"... عندما دخلنا دار الجددة كانت عدة جوزات تدور تحت
الحائط في الطرف الأسفل. ربما سقطت مساءً في الريح. ذهبت إليها راكضاً و بدأت أجنبي. فجأة
سمع صوت الجددة الجرجيتان من طرف الشرفة (السفينة):

- يا، يا، جرجيتان لا تمسك الجوزة!- جاءت سريعة بهذا القول و أخذت الجوزات في
يدي فبدأت ترميها إلى ذلك الطرف فوق الحائط القصير.

ثم جئت الجوزات الأخرى التي كانت بين الأوراق (تساقط الأوراق) متحدبة و رمتها إلى
خلف الحائط. وقت متعجباً من أن الجددة بخلت كذلك. و أخيراً عندما تأكدت من أن الجوزات
المسقوفة لم تبق قادتني من يدي. "هيا بي يا جرجيتان، أعطيك الجوزة الأخرى!" بهذا القول
أدخلتني النجيرة القصيرة و أخذت بحفنة من الجوزات التي تتكدس في السلة و ملأت طاقبي بها...
ثم شرحت:

- في ذلك طرف الحائط يوجد جوز الجار أيضاً. الجوزة التي أنت جنتها يمكنها أن سقطت
من شجرة الجار. يا جرجيتان، هذا ذنب إذا أخذ حق أحد غير مسؤولاً!

كنت أنسى هذا الكلام و لكن بعد مرور السنوات الكثيرة تذكرتها مرة ثانية.

قامت جماعة الضيوف الأشراف من البيان بزيارة. كان بينهم أحد رؤساء البرلمان البياني.
ذهبنا إلى سمرقند مراقبين له. أنا و الضيوف و المترجم و المترجم كنا نسير في السيارة. عندما كنا نسير في
ناحية قرية سمرقند مررنا بالحديقة المزدهرة. طرف الطريق كله بستان الخوخ. نضجت الخوخات
البرتقالية نضجاً. كل منها مثل إبريق الشاي الصغير. قال الضيف شيئاً بالسرور. و قال المترجم إن
سيد الضيف سأل لمن هذه الحديقة. و تذكرت أن في في البلدان كاليابان و كوريا و الصين

⁸ "الجرجيتان-كلمة التلليل عند الأزيك، تعني "جعلت فداك"

أخلصوا للحوخ بالخاص و طلبت من السائق أن يوقف السيارة. أنا وثبت فوق جدول الماء الصغير في جنب الطريق و قطعة الخوخ كما ضم في يدي... في الجنب كان الماء يجري من الأنبوب الحديدي. و شطفت الخوخت و جئت بها. أعطيتهما للضيف. ابتسم الضيف بالأدب و لكنه هز رأسه قطعياً. فقال شيئاً بلغته متأثراً.

- قال "ممنوع" - قال المترجم بعد ما ترجم كلامه.

- لا تقلق، يا سيد - قلت شارحاً. - ذلك الماء ليس قذراً و هو ماء عيار أنابيب المياه. هذه الناحية مزودة بأنابيب المياه كاملاً. كل من فضلك، إذن أنا أبدأ.

هز الضيف رأسه مرة ثانية. شرح للمترجم شيئاً بالشجى.

- هذا ممنوع! - قال المترجم مترجماً كلام الضيف كلمة كلمة. - ما دفع السيد أجراً

لمصاحب الخوخ. أخرج الفواكه بهذا المقدار دون أن يطلب. هذا ممنوع.

و أنا قلت إن المكان الذي نمر به ليس بمجهول لي و أنا جئت إلى هنا كثيراً و المر - والي

المدينة هو صاحبي القريب. كنت أشعر بأن كلامي تشبه غير حقيقية...

... كأن نصب عينيّ ظهرت "الجدة الجيرجيتان" (و هي) جنت الجوز متحدبة و رمتها إلى

بيت الجار فوق الحائط الصغير...

فأنا مرة أخرى آمنت بأن الله خلق كل الناس (كل بني الإنسان) في الدنيا و الذين يتشاهمون

طبيعةً و عدلاً (قسطاً) و ضميراً بعضهم إلى بعضه ليسوا بقلائل...

ТАСКИН

Ҳамкасблари юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Дўстлари юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Умр йўлдоши юз ўғирган одам таскин топиши мумкин.

Фарзандлари юз ўғирган одам... Билмадимов...

الإطمئنان

الإنسان الذي أعرض عنه زملاءه يمكنه أن يطمئن.

ويمكن الإنسان الذي أعرض عنه أصدقاءه أن يطمئن.

و الإنسان الذي أعرضت عنه زوجته يمكنه أن يطمئن.

فالإنسان الذي أعرض عنه أولاده... لا أعرف...

ФАРИШТАЛАР

Хонадонингизда кекса одам борми? Бахтли экансиз! Дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз шуларни зиёрат қилинг: ҳаёт абадий эмаслигини ўйлаб, таскин топасиз. Хонадонингизда гўдак борми? Сиз ҳам бахтли экансиз... дунё ташвишларидан тўйиб кетсангиз, гўдакни бағрингизга босинг: ҳаёт абадий эканини ўйлаб, таскин топасиз...

الملاحكة

هل يوجد في بيتك الشيخ؟ إذن أنت سعيد! إذا أنت شبعت من هموم الدنيا، زرهم: أنت تفكر أن الحياة ليست أبدية و تطمئن.

هل في بيتك طفل؟ إذن أنت سعيد أيضاً... إن تشبع من هموم الدنيا احضن الطفل: أنت تفكر أن الحياة أبدية فتطمئن.

ЭНГ ОЛИЙ ТУЙҒУ

Энг тоза туйғу нима?

Биринчи маошингизни келтириб бериб, отангизнинг дуосини олганингизми?

Биринчи марта совға келтириб берганингизда онангизнинг кўзида қалқиган ёшми?

Биринчи бўсами?

Тўй кечасидаги ҳаяжонларми?

Ногаҳон кўз юмган онангизнинг қабрини силаб йиғлаганингизми?

Тўнғич фарзандингизни илк бор мактабга етаклаб борганингизми?

Ҳаммаси... ҳаммаси покиза туйғулар... Аммо...

Бола эмизиб ўтирган аёлга зимдан разм солинг... гўдагига термулиб бола эмизаётган онанинг кўзларига синчикла-а-а-б тикилинг...

Энг олий туйғу нималигини шунда кўрасиз!

أعلى حس

ما هو أنقى حس؟

هل أخذك دعاء والديك عندما جئت براتيك الأول؟

هل الدمع الذي نزل من عيني أمك عندما جئت بالهدية الأولى؟

هل القبلة الأولى؟

هل الهيجانات في مساء الزفاف؟

هل بكائك ماسحاً قبر أمك التي توفيت فجأة؟

هل ذهابك بولدك الأكبر إلى المدرسة لأول مرة؟

كلها... كلها حواس نظيفة... ولكن...

انظر ضمناً إلى المرأة التي ترضع طفلها... حدّق بدقة إلى عيني المرأة التي ترمق إلى طفلها

مرضعة له...

فأنت ترى ما هو على حس!

ТАРНОВ

Эрта баҳор эди. Ҳордиқ куни эди. Кеч турдим. Ҳовлига тушсам, ҳавонинг авзойи бузук.

Ювуниб чиқиб қарасам, тунука том пешидаги тарнов бир томонга қийшайиб ётибди.

Қишда ёққан қор залворидан қийшайиб қолган шекилли... Қатикрок шамол бўлса, тушиб кетадиган...

Йўлакда ётган нарвонни кўтариб келиб томга тирагунча тинкам қуриди, зах тортиб, зилдек бўп кетибди.

Нарвон зинасига оёқ кўйишим билан айвондан онам тушиб келди.

– Нима қилмоқчисан? – деди кўзимга термулиб.

– Ҳозир, - дедим бепарво қўл силтаб. – Тарнов қийшайиб қонти.

– Шошма, болам, аввал чойингни ичиб ол...

– Ҳозир тушаман.

Шундай дедим-у нарвонга тирмашдим. Томга чиқишим билан шестдан онамнинг ҳавотирли хитоби эшитилди:

- Эҳтиёт бўл, том лабига борма!
- Уйга кирсангиз-чи! - дедим оғриниб.

Тулука томни тарак-турук босиб, кийшайган тарнов олдига келдим. Увалло уринаман, тарнов лаънати ўнгланса қани! Занглаб кетганми, бўйўғи ёпишиб қолганми...

Аксига олиб, ёмғир шивилай бошлади. Аввалига томчилаб турди-да, кейин шиддат билан ёғиб кетди. Том лабида ўтирганча, тарновини қўшқўллаб суришга уриндим. Қилт этмайди!

Пастдан яна онамнинг овози келди:

- Менга кара, болам. Нарвон олдига қайтиб келдим.
- Нима дейсиз?
- Жон болам, мана буни кийиб олгин...

Қарасам, онам бир қўли билан нарвонни чангаллаганча, иккинчи қўлида тўн ушлаб турибди. Юпқа рўмоли, нимчаси хўл бўлиб кетган... Хунобим ошди.

- Ҳозир тушаман, дедим-ку! Мен ёш боламанми?
- Шамоллаб қоласан!
- Оббо! Сиз уйга кираверинг! Ҳозир тушаман.

Шундай деб, тагин тарнов олдига қайтдим. Жаҳл билан тарновни муштлай бошладим. Бир маҳал пастдан яна овоз келди:

- Ада! Адажон!
- Ҳа! - дедим баттар хуноб бўлиб.
- Варрагим йиртилди!

Қарасам, етти яшар ўғлим ҳовли ўртасида турибди. Оёғи остида йиртилиб, қамишлари қовургадек туртиб чиққан варрак лойга қоришиб ётибди. Ўзи кўйлакчан. Бошяланг. Ёмғир остида дийдираб турибди.

– Уйга кир, Фаррух! - дедим бақириб. – Уйга кир, шамоллаб қоласан!

Қулоқ солса қани! Гоҳ варрагига, гоҳ менга қарайди. Капалагим учиб кетди! Томда сирғалиб-сирғалиб, нарвон томон югурдим.

Уч-тўрт пиллапоя тушиб қарасам, онам ҳамон нарвон оёғини чангаллаб турибди.

Рўмоли жикқа хўл бўлиб, сочларига ёпишиб қолган...
Бир қўли Нарвон оёғида. Бир қўлида тўн...

الميزاب

كان الربيع الباكر. كان يوم العطلة. استيقظت متأخراً. عندما خرجت إلى الدار كان الجو معكر المزاج. بعدما غسّلت وجهي خرجت إلى الدار و رأيت أن الميزاب أمام السطح المصفّح يعوج إلى الطرف الواحد. يبدو أنه عوج من ثقل الثلج الذي نزل في الشتاء... و كأنه يكاد يسقط إذا هب الريح الأشد...

فقدت قوتي حتى أن جئت رافعاً بالسلم الذي كان في الممر وأسندته إلى السطح، هو رطب و أصبح ثقيلاً جداً. مع أنني خطوت إلى درجة السلم نزلت أُمي من السقيفة.

-ما ذا تريد أن تفعل؟ قالت محدّقة إلى عيني.

-الآن- قلت مهملأً-عوج الميزاب.

-لا تسرع يا بني، أولاً اشرب شايبك...

-أنزل الآن...

قلت هكذا و تسوّرت على السلم. مع أنني صعّدت إلى السطح سُمع خطاب أُمي القلق من

الأسفل:

-احذر، لا تذهب إلى حافة السطح!

-ادخلي البيت!-قلت متكدراً.

جئت إلى أمام الميزاب الموعج خاط السطح المصفّح مطلقاً. أحاول باجتهاد و لكن الميزاب

للعنة لا ينصلح! ربما صدئ أو التصق صبغه...

و بالعكس بدأ المطر ينهمر. أولاً كانت تمطر الرذاذ و بعد أمطرت بغزارة. حاولت أن أدفع

الميزاب بكلتي يديّ. و لكنه لا يتحرك!

من الأسفل سمع صوت أُمي مرة ثانية:

-انظر إليّ، يا بني.

رجعت إلى أمام الميزاب.

-ما ذا تقولين؟

- يا بنيّ، اليس هذا من فضلك...

رأيت أن أمي مسكت بيدها الإحدى الميزاب بمخلب و بيدها الثانية مسكت العباءة (الرداء). قد ابتلت صدرتها و عمرها الرقيق...
جزعت.

-لقد قلت إنني أنزل الآن! أ أنا صبي؟

-يمكنك أن تزكم!

-يا له! ادخلي البيت! سأنزل الآن!

قلت هكذا و رجعت إلى أمام الميزاب مرة ثانية. و بدأت ألكم الميزاب غاضباً.

فجأة من الأسفل سمع صوت مرة أخرى.

-يا أبي! يا أبته!

-نعم!-قلت أشدّ جازفاً.

-مزقت طيارتي(طائرة الصبيان)!

رأيت أن ابني الذي كان عمره عشر سنوات يقف على وسط الدار. تحت رجله مزقت الطائرة التي احتللت بالطين و خرجت قصباتها مثل الضلع. ملبسه كان خفيفاً. و كان عاري الرأس. كان يقف مقشعراً تحت المطر.

-ادخل البيت، يا فروخ!-قلت صارخاً. ادخل البيت، يمكنك أن تُصَاب بالزكام!

و لكنه لا يطبع! حيناً ينظر إلى طيارته و طوراً إليّ. خفت خوفاً شديداً! ركضت نحو السلم متزحلقاً على السطح.

نزلت من ثلاث-أربع درجات و رأيت أن أمي ما زالت تمسك رجل السلم. لقد ابتل عمرها تماماً و التصق بشعورها... يدها الأخرى في رجل السلم. وفي يدها الأخرى رداء...

ИНСОН

Инсон шу қадар буюкки, унинг фазилатларини ўлчаш – дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чўққисига эмаклаб чиқиш заҳмати билан тенг.

Инсон шу қадар тубанки, унинг иллатларини ўлчаш – дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чўққисидан эмаклаб тушиш заҳмати билан тенг.

الإنسان

الإنسان عظيم لدرجة أن تقدير فضائله يساوي بالتعني في الصعود ديباً إلى أعلى قمة لأعلى جبل في الدنيا.
الإنسان دني لدرجة أن تقدير علله يساوي بالتعني في النزول ديباً من أعلى قمة لأعلى جبل في الدنيا.

“ОТЧОПАР”ДА

“Отчопар” бозорида эски дўстимни учратиб қолдим. Математик... Олим... Сигарет сотиб ўтирган экан... Мени кўриб кўзини яширди. Мен ҳам бурилиб кетдим... Иккаламиз бир-биримиздан нега уялганимизни билмайман. Негадир.. йиглагим келди...

في "أتجوبار"⁹

في سوق "أتجوبار" التقبت بصديقي القريب. هو رياضي (حسابي، هندسي)... هو عالم... كان يبيع سيجارة... عندما رأني أخفى عينيه. أنا أيضاً ذهبت ملتفتاً... لا أعرف لما ذا خجلنا من بعضنا بعضاً. لأسباب مجهولة... أردت أن أبكي...

ОЛИЙ ҲАКАМ

Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ҳеч кимга бўйсунмайдиган, оқни-оққа, қорани – қорага бехато ажратадиган Олий ҳакам бор. Бу – тангрининг ҳукми!

الحكم الأعلى

يوجد الحكم الأعلى الذي لا يطع أحداً في هذا العالم و في الآخرة و يميز (يفرق) الأبيض إلى الأبيض و الأسود إلى الأسود حقاً (صحيحاً). فهذا حكم الله!

АНТИҚА КИТОБ

Ўқиб кўрдилар.
Еқмади.

⁹ أتجوبار - اسم سوق في طشقند، يعنى "ملاعب الخيل".

Қайта ёздилар.
Асл ҳолига қайтди.
Ўчирриб ташладилар.
Тағин аслига қайтди.
Оловга отдилар.
Ёнмади...
Бу Китоб – Тарих эди!

الكتاب الغريب

قرؤوا.
لم يعجبهم.
كتبوا من جديد(بتكرار).
عاد إلى حاله الأصلي(أصله).
رموا إلى النار.
لم يحترق.
فهذا الكتاب كان تاريخاً!

АҚЛ ТИШИ

Ақл кириши учун ақл тиши чиқишини кутиб ўтириш шарт эмас.

ضرس العقل

ليس شرطاً أن ينتظر تسنين ضرس العقل لتعقل(لتفكر).

МЕҲР ВА МАҚР

Аёл меҳри – асалдек тотли. Аёл мақри – заҳардек хавфли.

الحب و المكر

حب المرأة لذيذ مثل العسل. مكر المرأة خطر مثل السم.

ХАТАР

Кўшни кишлоқда туғилган донишманддан кўра, ўз кишлоғидан чиққан телба афзал дейдиганлар жамият илдиизига тушган куртдир!

الخطر

إن الذين يقولون إن المنون من قريبي أفضل من الحكيم الذي وُلد في القرية المجاورة هم الدودة التي وقعت في جذر المجتمع!

МУСТАМЛАКАЧИЛАР ОРЗУСИ

Икки кўчкор сузишса, бўрининг насибаси бутун бўлади...

أمنية الاستعماريين

إذا تناطح الكيشان يكون نصيب الذئب كاملاً.

СУКУТ – ОЛТИН

Олимларнинг кузатишича, эр-хотин қанча кам гаплашса, оила шунча мустаҳкам бўларкан.

الصمت هو الذهب

يلاحظ العلماء أن العائلة تكون ثابتة إذا الزوجان حادتا بعضهما بعض قليلاً (كم قليل).

ترجمتها: جعفراروفا ديياره

*Араб филологияси кафедраси 4-курс талабаси
Жаъфарова Диёра таржимаси*

УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ

Шоикром айвон тўридаги сандал четида хомуш утирарди. Аллақачон баҳор келиб, кунлар исиб кетганига карамай, ҳамон сандал олиб ташланмагани, аммо ҳеч ким бу тўғрида ўйлаб кўрмаганини у энди пайқагандай ғаши келди. Бўз кўрпа устидан ёпилган, шинни доғи қотган қуроқ дастурхон ҳам ҳозиргина гўжадан бўшаган сопол товоқ, банди куйган ёғоч қошиқ ҳам унинг кўзига хунук кўриниб кетди. Аммо бепарволик билан кўл силтади-ю, дўпписини сандал устига ташлаб ёнбошлади.

Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жимжит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун михга илиглиқ лампочка хира нур гаратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди. Ҳовлининг ярмигача тортиб экилган қулупнай пушталари орасида сув ялтирайди. Онда-сонда ранг олган қулупнайлар кузга ташланиб қолади. Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди. Шоикром уйку элита бошлаган кўзлари билан ўша томонга каради-ю, тер хиди анкиб турган лўлаболишга бошини ташлади. Шу ондаёқ яна уша товоққа, банди куйган қошиққа кўзи тушиб, тагин гашланди. «Зиқна бўлмай ўл! – деб ўйлади хотинини сўкиб. – Азалдан қурумсоқ эди, замон оғирлашгандан бўён баттар бўлди».

Ичкарида чакалоқ йиғлади. Бешикнинг гирчиллагани эшитилди. Бола хўдди шуни кутиб тўргандай, бат-тар бигиллай бошлади. Каттаси ҳам ўйғониб кетди шекилли, қўшилишиб йиғлашга тушди.

Шоикром силтаниб қаддини ростлади.

– Овозини ўчир, Ҳадича!

Ичкаридан хотинининг бешикни муштлагани, зардали товуши эшитилди:

– Овози учса кошкийди! Тўққиз кечасида жин теккан бунга!

«Камбағалнинг эккани унмайди, боласи кўпаяди ўзи, – деб ўйлади Шоикром ижирғаниб. – Шу кунимдан кўра урушга бориб ўлиб кета қолганим яхшийди».

Уни урушга олишмади. Тўқимачилик комбинатида монтер этишмасмиди, ё ўзи яхши ишлардимиди, ҳар қалай, уни олиб қолишди. Шоикром уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Уруш бўлди-ю, замона ўзгариб кетди. Бир хил одамлар тирноққа зор. Унинг хотини бўлса, бнидан ўтиб кетса ҳам бошқоронғи бўла-

веради. Худо бергандан кейин ташлаб бўлармишми, деб кетма-кет учта қиз туғиб берди. Урушнинг қора қаноти узоқлаб кетган бўл-саям, эрта-индин Гитлернинг тўнғиз кўпиши кўриниб қолган бўл-саям, ҳамон унинг сояси одамлар бошига кўланка ташлаб турибди. Ҳали у кўшникида аза очилади, ҳали бў кўшникида.

Ҳовли этагидаги пастак эшик гийкиллади. Шоикром кафти билан кўзини чироқдан пана қилиб қаради-ю, шу томонга кел-аётган онасини кўрди. У уйланганидан кейин отадан қолган ҳов-лини ўртадан икки пахса девор олиб бўлишган. Бунгаям бир чек-каси Ҳадичанинг инжиқлиги сабаб бўлган эди. Ҳар хил икир-чи-кир гаплар чиқаверганидан кейин Умри хола рўзгоринг бошқа бўлса ўзингга қайишасан, деб уларнинг қозонини бошқа қилиб берди. Ўзи кичик ўғли Шонемат билан нариги ҳовлида қолди.

Ранги униққан чит кўйлак устидан нимча кийиб олган Умри хола шарпадай унсиз юриб келди-да, япалоқ «мусулмон» гишт-дан ясалган зинадан айвонга кўтарилди.

– Ҳали ухламовмидинг? – деди у зинадан энкайиб чиқаёт-ганида сурилиб кетган рўмолини қайта ўраб.

– Кўрмайсизми, чақалоқ тинчимаяпти. Ўзим итдай чарчаган-ман.

– Бола бўлгандан кейин йиғлайди-да, – деди Умри хола юпа-тувчи товушда, – Ётавер, болам. – У яна ўша унсиз одимлар билан ичкари уйга кириб кетди.

Қайнана-келин бир бало қилиб, болаларни тинчитишди. Ке-йин икковлари бошлашиб чиқишди. Ҳадича бир қўлида чойнак-ниёла, бир қўлида зогора нон кел-тириб, дастурхон устига қўйди.

– Чой ўлиб қопти, – деди у зогора ушатаркан.

Умри хола Шоикромнинг ёнбошига, шапарак кўрпачага ўтирди.

– Ол ўзинг ҳам, – деди у томирлари бўртиб чиққан қўллари билан, сочилган увоқларни йиғиб оғзига соларкан. Шоикром она-сининг бармоқлари тарс-тарс ёрилиб кетганини энди пайқади. Илгари ҳам шунақадими, йўқмиди, эслай олмади.

– Овқатингдан қолмадими? – деди у чўкқалаб ўтирганча чой қуётган хотинига қараб.

Ҳадичанинг узунчоқ сарғиш юзи қизарди. Айбдордек маҳзун товушда узр сўради:

– Қолмовди-я.

Шоикром унинг қизарганидан ёлгон гапираётганини сизди. Ким билсин, эрталаб ўзига иситиб бериш учун шунақа деяёт-гандир...

– Йўқ, болам, овқат керакмас, – деди Умри хола шошилиб. – Хаёл сўриб ётиб ўйқўм ўчиб кетди... – У бир лаҳза жим қолди-да, ўзига гапиргандай секин қушиб кўйди. – Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан кўй сути ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди.

– Ҳозир кўй сути қатта, – деди Ҳадича. – Сигир сути отликқа йўғу... Шу пайтда сигиримиз туккан бўларди-я.

Шоикром хотинининг гапини эшитмади. Бирдан унинг кўз ўнгида пастак дераза остида шифтга тикилиб ётган укаси жонланди. Бир ҳовлида туриб ўн кундан буён ҳолини сўрамаганига афсусланиб, ичидан хўрсиниқ келди. Шонеъмат Россиядан кўчириб келтирилган завод қурилишида ишлай бошлаганида уни урушга олишмаганидан Шоикром суюнган эди. Гап бошқа ёқда экан. Укаси сил экан. Шунинг учун қолдиришган экан. Мана, уч ойдирки, ерга ёпишиб ётибди.

Шоикром ўн кунча илгари ишга кетаётиб бирров кириб укасидан ҳол сураган эди. Ўшанда Шонеъматнинг қоқ суяк бўлиб қолганини, қатта-қатта кўзлари нимагадир чуқур маъно билан ўзига тикилганини кўрган эди.

«Яқинда ўлади, – деб ўйлади у онасининг кўзига қарамасликка ҳаракат қилиб, – барибир ўлади».

– Тузукми? – деди у ҳаммаси учун ўзи айбдордай қовоғини солиб.

– Шукур, – Умри хола қулт этиб ютинди. – Ҳозир ухлади. – Онаси шу топда чиқиб овора бўлмагин, деган маънода гапирганини Шоикром тушунди.

– Эрталаб хабар оламан, – деди у онаси ўрнидан турганида.

– Сендан нега гина қиларкан, болам, – деди Умри хола айвон лабида тўхтаб. – Кўриб турибди-ку. Эрталаб чиқиб кетасан, ярим кечада қайтасан. Бу кунлар унут бўлиб кетади, болам. – Зинага ечган калишининг бир пойи тўнқарилиб қолган экан, Умри хола оёғининг учи билан тўғрилайман деб, анча овора бўлди. Кейин зиналардан энқайиб тушди-ю, шарпадай унсиз юрганча, ҳовли этагига қараб кетди. Пастак эшик ғийқиллаб очилиб ёпилди.

– Падарига лаънат шунақа турмушнинг! – деди Шоикром бўғилиб. Кейин дастўрхонни йигиштираётган хотинига ўшқирди.

– Саниям падарингга лаънат! Тумшуғингни тагидан сигирингни судраб кетса-ю, анқайиб ўтирсанг.

– Нега менга ўдағайлайсиз? – Ҳадича товоқни кошиққа уриб, йиғламсиради. – Нима, мениям Илҳом самоварчини хотинидай сўйиб кетсинмиди? Сиз кечалари менда бўлсангиз. Мен учта жўжа билан жонимни ҳовучлаб ўтирганим етмайдими?!

Шоикром хотинини тарсакилаб юбормаслик учун юзини ўгириб, тишини ғижирлатди.

Сув қалқиса, лойқаси юкорига чиққандай, замон қалқиганидан буён ёмон кўпайди. Эрта баҳорда уларнинг туғай деб турган сигирини уғирлаб кетишди. Ўша кеча Шоикром тунги сменада эди. Кечаси билан шаррос жала қуйиб чиқди. Шоикром тонгсахарда бир нимани сезгандай кўнгли ғаш тортиб, ўйига қайтди. Келса хотини, болалари, онаси дод солиб ўтиришибди. Ҳадича оғироёқ эмасми, ўзи билан ўзи овора бўлиб билолмай қолибди. Эрталаб турса кўча эшик ланг очик, ёнғоққа боғлоқлик сигир йўқ.

«Шу пайтгача сигир тугарди, укамнинг оғзига ақалли бир коса сут тутардим, – деб ўйлади Шоикром ўкиниб. – Қани ўшалар кўлимга тушса, чопиб ташлардим».

Шўндок, дейди-ю, эгаси минг пойласин, ўғри бир. Мана, бундан икки ойча илгари Илҳом самоварчининг хотинини пичоқлаб кетишди. Бечоранинг битта-ю битта эчкиси бор экан. Ҳовлига ўғри тушганини билиб, хотин шўрлик дод солибди. Эри чойхонада экан. Югуриб бориб эчкининг арқонидан ушлаганми, хуллас, етиб келган кўни-кўшнилари қора конига беланиб ётганини кўришибди.

– Шу кунда яна ўғри оралаб қолди, – деди Ҳадина кўрпачани қокиб танча четига соларкан. – Кулупнай қизармасидан битта кўймай териб кетяпти.

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром қовоғини уйиб. – Болалар териб егандир. Ўғри кулупнайга келадими?

– Оғзига бир дона олган бўлса, буюрмасин. Нега келмас экан? Бир ҳовучини опчиқиб сотса бир коса жўхори беради. Ана, бориб қаранг, деворнинг бир чети ўпирилиб ётибди!

– Ваҳима қилма! – деди Шоикром яна гулдираб. Аммо бу сафир узининг ҳам юраги сесканиб кетганини пайқади. Кўнглида пайдо бўлган ғашликни сездирмаслик учун ҳовлига тушди. Секин юриб, кулупнай пушталари олдига келди. Ариқлардаги сув чирок

нурида ялтираб, шамолда жимирлар, маржондай терилиб ранг олган кулупнайлар сувга тегай-тегай деб турарди.

«Ростда, – деб уйлади у пушталар атрофида айланаркан, – бир ҳовуч кулупнайга бир товоқ жўхори беради. Тансиқ нарса... Ҳадича ёлғон гапирмайди. Болалар еган бўлса, буюрмасин, деяпти-ку. Пишиқ, йўлатмайди...»

Бултур хотини худди шу кулупнай туфайли онасини ҳам каттик ранжитган эди. Умри хола бир ҳовуч кулупнай олган экан, Ҳадича болаларга нон пули бўлар деб экканмиз, норасталарнинг насибасига тегманг, деб бобиллаб берибди.

Шоикром ўшанда онасининг ёз бўйи келини билан юзқўрмас бўлиб юрганини эслади-да, яна шу гап хаё-лига келди. «Ҳадича анойи эмас, курумсоқ...»

У айланиб ёнғоқ тагига борди. Борди-ю, чиндан ҳам кўча томондаги деворнинг бир чети ўпирилганини, остига тупроқ тўкилганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Назарида деворнинг кемтик жойидан биров муралаб тургандай бўлди. Ёнғоқ шохларининг шамолда вишиллаши ҳам, оёғи остида тукилиб етган девор тупроғи ҳам шубҳали, ваҳимали кўриниб, дарров орқасига қайтди.

Ҳадича аллақачон уйга кириб кетибди. У чироқни ўчириб, сандал четига ётди-ю, кўнглидаги ғулгула кучайиб кетаверди.

Кузда ўзи билан ишлайдиган йигитнинг ҳовлисидаги сўри тоқдан гарқ пишиб ётган узумларини ўғирлаб кетишганини элади. Шамол борган сари авжга чиқар, ҳовлидаги ёнғоқ барглари шовиллаб, шохлари шубҳали гирчиллар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай буларди.

Ҳадича рост айтади. Ўзи кечалари сменада бўлса, хотини учта жўжа билан жон ҳовучлаб тонг оттирса, ўғрига ўлжанинг катта-кичиги борми? Кўлига нима илинса олаверади-да. Борди-ю, ўзи йўғида уйини ўғри босса, хотини дод солса, пичоқлаб ташласа. У ёқдан онаси чиқса, униям пичоқласа... «Виждонсиз! Одамларнинг бошига кулфат тушганидан фойдаланиб қоладиганларни қириш керак».

Бирдан хаёлига келган фикрдан унинг вужуди титраб кетди. Қора кўнлари учун, не умидлар билан тишида тишлаб юрган ғунажинини ўғирлагани учун, ўлим тўшагида ётган укасининг охирги насибасидан маҳрум қилгани учун нон пули бўлар деб

етиштирган мевасидан жудо қилаётгани учун шундоқ касос олсинки, ўша худо беҳабарлардан.

У ўрнидан сакраб туриб кетди. Чирокни ёқиб, отилиб ҳовлига тушди. Ҳамон шамол ўкирар, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу бурчида чакмоқ ярақлаб, ёнгоқ шохлари шубҳали ғийқиллар, аммо энди булар уни кўрқитолмас эди. У ёнбошидаги ошхонага кирдию, чўнтагидан гугурт олиб чакди. Титроқ қўллари билан қорайиб кетган девордаги миҳга илиғлиқ турган икки ўрам мисни олди. Бир вақтлар урушдан олдин у бу симларни базмларга олиб борар, одамларнинг ҳовлисини машъаладай ёритиб берарди. Эндиям яхшиликка хизмат қилсин!

«Менга деса отиб юбормайдими! – деб ўйлади у айвон лабига чўққайиб ўтирганича усти ёпиқ симни очиқ симга илдам уларкан. – Ҳарна битта харомхўрни ўлдирганим. Биттаси ўлса, бошқалари адабини ейди».

У чакқон ҳаракат қилар, аъзойи бадани терлаб кетган, аммо буни ўзи пайқамас, фақат бир сўзни такрорларди: «Менга деса отиб юбормайдими!».

У симнинг очиқ қисмини кулупнай пушталари ус-тига улоқтирди. Сим илондай биланглаб пушта устига тушди. Ёпик қисмини айвон этагидан олиб ўтдида, бир учини устундаги илгакка тикиб қўйди. Кейин бирдан болалар кечаси ҳовлига тушса нима бўлади, деган хаёл миясига ўрилди-ю, ўйга кирди. Ҳадича ётган жойида уйқусираб бошини кўтарди.

– Ҳа.

– Ҳовлига чикма, болалар ҳам чикмасин, ўлади! – деди Шоикром кўзлари ёниб.

Ҳадича ҳеч нимага тушунмади шекилли, «хўп» деди-ю, бошини ёстикқа ташлади. Зум ўтмай текис, чуқур нафас ола бошлади. Шоикром айвон чирогини ўчириб, яна уйга кирди. Ҳар эҳтимолга қарши шундоқ эшик тагига, наmatта кундаланг ётиб олди.

“Менга деса отиб ташламайдими?” деб ўйлади яна ўшандай зарда билан. Шу топда негадир болаларини эмас, хотинини ҳам эмас, укасини ўйлади. Шонеъмат болалигида ҳам заифгина эди. Шоикром уни ҳар куни мактабдан ўзи олиб келар, иккинчи сменада дарс тугагунча пойлаб ўтирарди. Отаси ўлганида Шоикром олгинчида, укаси иккинчида уқирди. Ўшанда Шонеъмат йиғламаган, аммо ичикиб касал булиб қолганди. Она-бола уни авайлаб

катта қилишди. Энди булса, беш кунлиги қолдими йўқми, ака бўлиб хабар ҳам ололмайди.

Шоикром ухладими, йўқми, билолмади. Бир маҳал бола йиғладими, ё ташқарида шамолнинг гувиллаши аралаш дахшатли бир фарёд қулоғига кирдими, англай олмай қолди. Сапчиб уридан туриб кетди. Айвон чироғини ёқиши билан қулупнай пуштасида мук тушиб ётган одам гавдасини кўрди-ю, дахшатдан котиб қолди. Шу ондабқ хато қилганини, қотиллик қилганини пайқади. Сим учини шартга илгакдан юлиб олиб, ҳовлига отилди. «Бошқалари қочди» деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди. Пушталар устида сакраб-сакраб юриб бораркан, оёғи ботиб кетаётганини пайқади. Кейин ғужанак бўлиб ётган одамдан уч қадам берироқда тўхтади-ю, бирдан чуккалаб қолди. Бир лаҳза кузлари олайиб тикилиб турди-да, куксидан шамол гувурини ҳам, ўз вужудини ҳам ларзага солувчи бир нидо отилиб чиқди:

– Ойи-и-и!

У бошидан хуши учиб бораётганини элас-элас ҳис қилиб ўзини ерга отди. Титроқ қўллари билан лой чангаллаганча чўккалаб куксига муштлай кетди.

– Ойи! Ойижон!

Умри хола бир қўли билан униққан чит қўйлагининг этагини маҳкам чангаллаб олган, этак ичида икки ҳовуч пишган-пишмаган аралаш қулупнайлар кўриниб турар, бошқа қўли билан эса илондек симни ушлаб турарди. Шоикром унинг қулупнай кизили юққан, ёрилиб кетган бармоқларини, бўртган томирларини аниқ кўрди. Нарироқда, лойли ариқ ичида унинг калиши ётар, чамаси, сим оёғига текканида юлиб олмоқчи бўлгану, қўлига ўралашиб йиқилган эди.

Шоикром лойли марзадан эмаклаб борганча, ўзини онасининг кучоғига отди.

– Ойижон, очинг кўзингизни! – деди у гезариб кетган лабла-ри билан онасининг муздай юзидан ўпиб.

У анчадан кейин ўзига келди-ю, тепасида хотини турганини, қизчалари йиғлаётганини пайқади. Боши-ни кўтариши билан марза четида чўнқайиб ўтирган Шонёьматга кўзи тўшди. Неча ҳафталардан бўён ўридан жилмай ётган укаси, афтидан, қандайдир куч топиб эмаклаб чиққан, қўйлагининг елкалари осилиб турар, катта-катта кўзлари ваҳима билан боқар эди.

– Нима қилиб қўйдим, укам! – деди Шоикром яна балчиққа беланган кафти билан юзини чангаллаб. Кейин яна онасининг устига ўзини ташлади. У онасини кўтаришга уринар, аммо онасининг икки бўқланган гавдаси негадир ҳеч тикланмас эди.

– Сут ичмай заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонезмат овози титраб.

Шоикром бу ожиз, титроқ товушдан сесканиб, укасига тикилиб қолди.

– Заҳар ичсам бўлмасмиди, – деди Шонезмат яна ўша оҳангда. Афтидан, у йиглай олмас, йиглашга мадори етмасди. – Кечаям айтувдим, кўнмадилар. Қулупнайга сут алишади, дедилар.

Шоикром бошқа ҳеч нимани эшитмади. Эшитолмади. Фойдаси ҳам йўқ эди.

Умри холани пешин намозига чиқаришди. Гўристондан чиқиб келишаётганида Шоикром одамларнинг ўзаро гапини эшитиб қолди.

– Уруш тамом бўпти, эшитдингизми?

أضحية الحرب الأخيرة

